

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Мамедов Бухориддин
Тожибоев Мусо**

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ

(Маъруза матни)

**Бакалавриятнинг 5220100 – филология (инглиз, немис,
француз ва испан тиллари) ва 5220600 таржимонлик факультети
таълим йўналишлари учун**

Тошкент 2005 йил.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашининг 2005 йил «_____» августидаги йигилишида муҳокама қилинган ва тасдиқланган. Баённома №_____

Тақризчи:

ф.ф.н. М.Тожибоев (ички тақриз)

п.ф.д.проф. С.Матжонов (ташқи тақриз)

Маъруза матнининг қисқача анотацияси.

«Адабиёт назарияси» фанидан бир қатор салмоқли дарслик ва илмий тадқиқот мажмуалари асосан 80 - йилларда яратилган.

Мустақиллик давридан сўнг барча ижтимоий фанларда янгича қарашлар пайдо бўлгани каби, адабиёт назариясида ҳам бир қатор янгича қарашлар пайдо бўлди. «Социалистик реализм» каби оқимлар мавжуд мафкуранинг тасъирида яратилганлиги исботланди.

Лекин шунга қарамай академик Иззат Султоннинг 80 - йилларда яратган «Адабиёт назарияси» дарслиги бугунги кунда барча адабиёт йўналишидаги университет ва педагогика институтларида етакчи қўлланма сифатида ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Мазкур маъруза матн ва шу асосда тузилган ишчи дастур юқоридаги дарслик асосида тузилди.

Маъруза матн ўқув режасига ажратилган 34 соат ҳажмидан келиб чиқиб, 18 соатлик маъруза тузилди. 16 соат эса семинар машгулотига ажратилди.

Маъруза матни тузишда кейинги йилларда яратилган монография, қўлланма ва журнал материалларидан фойдаланилди.

М У Н Д А Р И Ж А:

1. Кириш - - - - - 4
2. «Адабиёт назарияси» фан сифатида - - - - - 5-10
3. Адабиётнинг ижтимоий вазифаси - - - - - 11-20
4. Адабиётнинг ўзига хослиги - - - - - 21-25
5. Адабий асар тузилиши - - - - - 26-32
6. Адабий турлар ва жанрлар - - - - - 33-40
7. Ижодий метод ва услуб - - - - - 41-47
8. Ҳозирги адабий жараён - - - - - 48-57

Кириш

Бадиий адабиёт санъатнинг бошқа турларидан, масалан, музыка, меъморчилик, рақс, рассомчиликдан фарқ қилади. Бадиий адабиёт ҳаётни тил воситасида акс эттиради. Тил адабий образ яратишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Шу маънода адабиёт сўз санъатидир.

Илмий асарларда муаллиф воқеа ва одамлар ҳамда мантикий тушунчалар орқали фикр юритади. Бадиий адабиётда эса турмуш сўзлар воситасида акс эттирилади, характер ва манзаралар яратилади. Ёзувчи бадиий асарда ҳаётни, одамларни шундай тасвирлайдики, у тасвирлаган ҳамма нарсани аниқ кўриб туради.

Бадиий адабиёт ҳаётда ижтимоий-тарбиявий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, китобхонда турмуш ҳақида юксак ижтимоий гоёлар ҳосил қилади. Шу сабабли ҳам адабиётшунос Н.Г.Чернишевский адабиётни «ҳаёт дарслиги» деб атади.

Бадиий адабиёт бизда маърифий ва эстетик тушунчалар ҳосил қилади. Бадиий адабиётнинг турмуш воқеалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши маърифий, воқеа ва образлар ҳақида ҳис-туйғу уйғотиши эстетик хусусиятидир. Бадиий адабиётнинг бу хусусиятини машҳур ўзбек ёзувчиси Мақсуд Шайхзода содда ва аниқ ифодалаган: «Адабий асарларни ўқиганимизда бизда тугилган гўзаллик ҳисси ҳар бир асардан ўзимизга тегишли хулоса чиқаришга ёрдам беради. Биз ўқиган асарларимиздаги яхши образларга эргашиб, уларга ўхшашга, ёмон образларга эса, аксинча, сира ўхшамасликка интиламиз. Адабиёт кишига маълумот ва лаззат бериш билан бир қаторда, китобхонларда тўғри, фойдали хулқ ва ахлоқнинг мустаҳкамланишига, камчилик ва нуқсонлардан қутулишга ёрдам беради».

Ушбу маъруза матнда адабиётнинг ижтимоий эстетик аҳамияти, метод ва адабий йўналишлари адабиётда мазмун ва шакл борлиги, асар тили, адабий тур ва жанрлар қамраб олинган.

1 мавзу: Адабиёт назарияси фан сифатида.

Р е ж а:

1. Адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Адабиётшуносликнинг объекти ва таркибий қисмлари.
3. Ўрта Осиёда адабий-назарий фикрлар.
4. Адабиёт назарияси фани олдидаги вазифалар.

Маъруза матн бўйича таянч сўз ва иборалар.

«Адабиёт» терминининг тор ва махсус маънода ишлатилиши. Муҳаммад Ғиёсиддин бинни Жалололдин Ромпурийнинг «Ғиёсул-луғат» китоби. Ўрта Осиёда кенг тарқалган «Майидул-фузало» («Фозилларнинг мададкори»), «Мунтаҳибул-луғат» («Сараланган сўзлар») асарларида «адабиёт», «адаб», «илми адаб» сўзларининг ишлатилиши. Адабиётнинг уч хусусияти: оммавийлик, маълум шахслар томонидан яратилиши, бадиийлик. Адабиёт тарихи–адабиётшуносликнинг етакчи соҳаларидан бири. Адабий танқид–адабий жараён билан шуғулланувчи адабиётшунослик соҳаси. Матншунослик–адабий асар матнининг ҳаққонийлиги ва таянч муаммолари билан шуғулланувчи соҳа. Манбашунослик–бадиий асар ва уни ўрганишга асос бўлган манбаларни ўрганувчи соҳа.

Бадиий адабиётни ўрганувчи фан адабиётшунослик деб аталади. «Адабиёт» термини икки маънода ишлатилади. Кенг маънода умуман китоблар, мақолалар, яъни кўпчиликнинг ўқиши учун ёзилган ва босиб чиқарилган асарлар кўзда тутилади. Бу маънодаги адабиёт ўзи яна турли соҳаларга бўлинади. Масалан: иқтисодий адабиёт, сиёсий адабиёт, техника адабиёти.

Адабиёт термини тор ва махсус маънода ҳам ишлатилади. Бу ҳолда у шеърый асарлар (достонлар, ғазаллар, кўшиқлар), романлар, қиссалар, ҳикоялар сахна ва кинофильм асарларини англатади. Махсус маънода ишлатилганда, масалан, «Ўзбек адабиёти тарихи» дейилганда ўзбекларда китоб ёзиш ва босиш тарихи эмас, балки бадиий сўз асарлари яратиш тарихи кўзда тутилади.

Адабиёт сўзи жаҳон фанида тор ва махсус маънода 18-19 асрларда пайдо бўлди. Ундан аввал бадиий адабиёт кўпинча бошқа адабиётлардан фарқ этилмай, «адабиёт» термини, умуман кўпчиликнинг ўқиши учун яратилган асарлар маъносида ишлатилар эди. Дунёдаги бир қанча халқлар тилида literature (литература) термини билан ифода этилаётган бу тушунча аслида лотинча littera (литтера), яъни «харф» сўзи асосида тузилгандир.

Ўзбек тилидаги «адабиёт» сўзи аслида «адаб» сўзидан ясалган бўлиб, кишиларга яхши хулқ ва умуман, ҳаётни тўғри тушуниш мақсадида ёзилган асарларни кўзда тутар эди.

Адабиёт тушунчасининг маъносини тўлалиги билан очиб бериш учун, аввало адабиётнинг бир неча муҳим, энг кўзга ташланадиган ва ҳамма томонидан тан олинган хусусиятларини кўздан кечириш лозим. В.Г.Белинский таърифича «адабиёт доимо оммавийликка суянади, ўз тасдиқини жамият фикридан олади, у фақат билимдонларнинг ёки мумтоз ҳаваскорларнинг кичик доираси эътиборидан эмас, балки бутун халқдан... мадад олади. Адабиёт бутун жамиятнинг мулкидир».

Ҳақиқатдан ҳам адабиёт одамларнинг ёши, жинси, касби, ижтимоий келиб чиқишига қарамасдан ҳар бир кишида қизиқиш уйғотади. Бугина эмас, бир тилда яратилган адабиёт асарлари бошқа халқлар томонидан қизиқиб ўқилади, бутун инсониятнинг мулки бўлиб қолади.

Адабиёти тараққий топган ҳар бир халқнинг ютуқлари тезда бутун жаҳон миқёсига чиқади, турли мамлакатлар ва халқлар томонидан кенг миқёсда қабул этилади. «Келинг, Алишер Навоийдек шоир бўлгани учун қувонайлик. Бизга шундай шоирни армуғон қилган ўзбек халқига катта раҳмат айтайлик, - деган академик Н.И.Конрад. - Навоийни фақат ўрганмасдан, тадқиқ этмасдан, ўқиб ҳам юрайлик. Фақат ўқибгина қолмасдан, унинг ҳақида ўйлаб ҳам юрайлик».

Адабиётнинг бутун инсоният маданияти билан чамбарчас боғланиб кетгани унинг бу қадар кенг оммавийлигини таъмин этувчи сабаблардан биридир.

«Алишер Навоийнинг азамат сиймоси жаҳон адабиётидан ажраб қолган эмас, - деб ёзган эди рус олими В.М.Жирмунский, - ўзбек адабиётининг буюк асос солувчисининг ижоди ўзининг ғарбий ҳамфикрлари - Ренессанснинг шоирлари ва мутафаккирларининг ғоялари билан бевосита ҳамоҳангдир».

Ҳар бир халқнинг вакиллари томонидан яратилган асарларнинг бутун инсоният томонидан қабул этилишида адабиётнинг ана шу хусусияти - оммавийлик яна ҳам яққол кўринади. Ўзбекистон тарихи, географияси ва ундаги табиий бойликлардан маълумот берувчи асарлар бутун жаҳон ўқувчиларининг маълум қисминигина қизиқтириши мумкин. Аммо Навоий, Бобур, +одирий яратган бадиий адабиёт намуналари турли географик минтақада яшовчи ўқувчиларда қизиқиш туғдира олади. Шунинг учун ҳам ўзбек адабиёти асарларининг ер юзидаги жуда кўп тилларга таржима этилгани бежиз эмас.

Адабиёт оммавийлиги ана шундай чексиздир.

Адабиётнинг маълум шахслар, қобилият эгалари томонидан яратилиши - унинг иккинчи муҳим хусусиятидир. Бу жиҳатдан ёзма адабиёт халқнинг оғзаки ижодидан фарқ қилади. Оғзаки ижодга мансуб асарларнинг яратувчиси номаълум, улар халқнинг коллектив равишдаги ижодий маҳсулидир, Адабиётда эса ҳар бир асарни маълум шахслар яратади. Яратувчининг ҳамма

хусусиятлари адабиёт асарларида ўз изини қолдиради. «Адабиётда шахс ўзининг бутун ҳуқуқига эга бўлади ва адабий даврлар доимо шахсларнинг номлари орқали намоён қилинади».

Ҳақиқатдан ҳам, ўзбек мумтоз (классик) адабиётнинг шаклланиши Лутфий, Навоий, Бобур, Муқимий каби ёзувчиларнинг номлари билан боғлиқ. +озоқ адабиёти деганимизда даставвал, Абай ва Авезов, озарбойжон адабиёти деганимизда-Фузулий, Воқиф, рус адабиёти деганимизда Достоевский, Толстой, Лермонтов, Пушкин, тожик адабиёти деганимизда - Рудакий, Фирдавсий, Жомий каби конкрет шахслар кўз олдимизга келади.

Адабиётнинг учинчи хусусияти - бадиийликдир, яъни ҳаётнинг унда образлар орқали инъикос этишидир.

Адабиёт тўғрисида гапирар эканмиз, биз даставвал гўзал адабиётни - поэтик, бадиий асарлар доирасини кўзда тутамиз. Бу хусусияти жиҳатидан адабиёт бошқа фандан фарқ қилади ва санъатга (рассомлик, мусиқа ва шунга ўхшашларга) яқинлашади.

Шундай қилиб, оммавийлик, яратувчи шахснинг аниқлиги ва бадиийлик «адабиёт» термини билан аталувчи маданий ҳодисанинг муҳим хусусиятларидандир. Адабиётнинг ана шу уч муҳим хусусияти адабиёт ҳақидаги фаннинг бўлишини зарур қилиб қўяди ва бу фаннинг йўналишини ҳам тайин этади. Адабиётшунослик ва ана шу фаннинг бир қисми бўлган адабиёт назарияси, асосан уч муаммо доирасини ўрғанади: адабиётнинг ижтимоий аҳамияти, адабиётни яратишда ижодкор шахснинг роли (қобилият (талант), бадиий маҳорат) ва бадиийликнинг ўзи нимадан иборат эканини (бадиий адабиётнинг спецификасини) аниқлайди. Булар адабиётшунослик ва адабиёт назариясининг бош вазифаларидир. Бу проблемаларни ёритишда адабиётшунослик, даставвал бадиий адабиётда намуна бўларлик асарлар яратган ёзувчиларнинг ижодига суянади. Бундай ёзувчилар «классиклар» деб аталадилар. «Классика» сўзи лотинча бўлиб, намунавий, ўртак бўладиган демакдир. Адабиётнинг классик асарларида адабий ижоднинг қонунлари алоҳида бир аниқлик ва ёрқинлик билан намоён бўлади.

Адабиётшунослик ва адабиёт назариясининг вазифаси ана шу қонуниятларни аниқлашдир. Бундай қонуниятларнинг мавжудлиги ва уларни ўрганиш зарурлиги аллақачон фан томонидан аниқлангандир.

Неча минг йиллик ижтимоий ҳаёти, табиат билан кураши ва уни тушунишга интилиши инсоннинг ўзи учун оддий ҳодиса бўлиб қола берган. Масалан хатни олайлик, бировга ўз фикрини тушунтириш учун киши томонидан тузиладиган кўп (жумла) нинг бир неча сўздан иборат эканини пайқашга етгунча инсон жуда кўп минг йилларни бошидан кечирган. Инсон бу ҳақиқатни тушунгандан кейин эса шу жумлани, унда ифода этилган фикрни бошқалар учун ҳаётий тажриба тариқасида сақлаб қолиш ниятида халиги сўзларни ҳар бири учун алоҳида сурат топади ва шу суратларни қатор чизиб қуйиш билан ўз фикрини «хатга туширади». Шундан суратли хат туғилади. Кейинроқ инсон сўзларнинг ҳар бири мутассил бошқа сўзларда такрор

бўладиган айрим товушлардан иборат эканини тушунади ва энди айрим сўзларни эмас, айрим товушларни ифода этадиган шаклни излайди ва топади: у харфларни яратади.

Шундай қилиб, ҳарфлар жамига асосланган хат (график хат) пайдо бўлади. Бу юз минг йиллар давом этган, азобли, изланишлар билан тўла бир тарихий процессдир. Аммо кўп ўтмай хат кишилар назарида оддий ҳодиса бўлиб қолади.

Инсон хатни яратиши билан бадиий сўз ижодининг равнақи учун кенг йўл очилади. Бадиий адабиёт ҳам инсон яратган мўъжизаларнинг биридир. Адабиёт ер юзидаги барча кишиларни мафтун эта олади. (А. Навоий 1485 йилда «Хамса» ни ёзиб, тамомлаб Ҳусайин Бойқарога совға қилади. Ҳусайин Бойқаро уни «пири» раҳномаси деб эълон қилиб, уни отига миндириб ўзи етаклайди).

Адабиётшунослик объектининг хусусиятлари бу фаннинг таркибига кирган қисмларини белгилайди.

Адабиётшуносликнинг объекти ўтмишда яратилган адабиёт бўлиши мумкин. У ҳолда бу объектни жамият тарихи - бўлиб ўтган ва ҳозирги замонда кўпинча аҳамияти йўқолган ижтимоий ҳодисалар билан чамбарчас боғлаб ўрганиш зарур. Ўтмиш адабиётини ўрганиш учун кўпинча йўқолган ва унитилган асарларни топиш, маълум асарларнинг ўтмишда турли давр ва ижтимоий доираларда қандай қабул этилганини билиш, бу асарларни асл нусха ва текст (матн)ларини тайинлаш, адабиётни яратганларнинг таржимаи ҳоли, ўзидан аввалги ва кейинги ижодкорларга алоқаси, таъсири ҳақида материаллар излаб топиш каби кўп ишларни қилиш лозим. Бу вазифалар билан «Адабиёт тарихи» фани шуғулланади.

Ҳозирги замон асарларига баҳо бериш, замона тарихий-адабий процессини таҳлил этиш «Адабий танқид»нинг вазифасидир. Ўтмиш ва ҳозирги замон адабиётини ўрганишнинг принцип ва усулларни тайинлаб чиқиш «Адабиётшунослик методологияси» зиммасига тушади. Адабиёт тарихи, Адабий танқид, Адабиётшунослик методологияси адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари бўлиб, уларнинг ютуқлари асосида «Адабиёт назарияси» фани бунёдга келган.

Адабиёт назарияси бадиий сўз асарларининг ижтимоий ҳаётда ўйнаган роли, бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида, бадиий ижоднинг турлари, бадиий асарнинг структураси ва ижод процессининг қонуниятлари ҳақидаги таълимотдир. Адабиёт назарияси ўтмиш ва ҳозирги замон тарихий-адабий процессининг қонуниятларини ўрганади, адабиётни тўғри тушуниш ва ривожлантириш учун керакли хулосаларни чиқаради.

Адабиёт назарияси адабиётшунослик қисмларининг ютуқлари асосида юзага келиш билан бирга, ўз илмий хулосалари орқали адабиёт тарихини ҳам, адабиёт методологияси ва адабий танқидни ҳам бойитади.

Адабиётшунослик фанининг юқорида айтилган асосий таркибий қисмларидан ташқари яна ёрдамчи фан ёки соҳалари ҳам кўп, Булар:

Библиография (юнонча библио - китоб, графика - Ёзув) - китобларнинг ёзилган, кўчирилган ёки босиб чиққан вақти, жойи баъзан эса маъмуни, муаллифига оид маълумотлар йиғиндисидир.

Текстология ҳам адабиётшуносликнинг муҳим ёрдамчи соҳаси бўлиб, бадий асарларнинг асл текстини тайинлаш ва тўғри ўқиш усуллари ишлаб чиқади, асарларнинг илмий жиҳатдан текширилган нусхасини яратади. «Адабиётшунослик историографияси» адабиётшуносликнинг ўзининг тарихини ўрганади.

Ўрта Осиёда адабиётшунослик Ўрта асрлардаёқ майдонга келган. Жаҳон олимларининг муаллими деб шуҳрат қозонган Абу Али ибн Синонинг «Муътасамуш - шуаро» («Шоирларнинг паноҳгоҳи») асарини (XI аср) адабиёт тарихи ва адабиётшуносликка оид илк асарлардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Бевосита адабиёт назариясига оид бўлиб, Ўрта Осиё ва Мовароуннаҳрда шуҳрат қозонган таълимот (Навоийнинг «Мезон ул-авзон» ида айтилишича) араб олими Халил ибни Аҳмаднинг (VIII аср) аруз ҳақидаги таълимотидир. Кайковуснинг «+обуснома» асарида ҳам (XI аср) адабиёт назариясига оид бир қанча масалаларга тўхталинган. Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайин» («Икки тил муҳокамаси») асарида (1499 йил) жаҳон адабиёти ва адабиётшунослигининг муҳим масалаларидан бири кўйилади ва чуқур ҳал этилади. Навоий ҳар бир халқ тилида миллий бадий адабиёт яратиш мумкинлигини исбот этади: бадийлик фақат маълум тилларнинг (масалан: форс ва араб тилларининг) имтиёзи экани ҳақида ўз даврида ҳукмрон бўлган нуқтаи - назарни фож этади ва туркийнинг (қадимги ўзбек тилининг) бадий имкониятларини кенг очиб беради, «Муҳокаматул-луғатайин» ўтмишда адабиётшунослик ва адабиёт назарияси соҳасида яратилган етук асарлардан бири сифатида ўз аҳамиятини доимо сақлайди.

Мавзунинг қисқача хулосаси.

«Адабиёт» термини узоқ муддат мобайнида изланишлар натижасида юзага келди.

Адабиётнинг энг муҳим хусусияти оммавийликдир.

Адабиётнинг иккинчи хусусияти унинг маълум шахслар, жамият эгалари томонидан яратилишидир.

Адабиётнинг учинчи хусусияти бадийликдир, яъни ҳаётнинг унда образлар орқали акс этишидир. Адабиёт назарияси ҳақида дастлабки илмий-назарий фикрлар ҳам дастлаб Ўрта Осиё мутафаккирларининг асарларида пайдо бўлган.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар.

1. «Адабиёт» терминининг мазмуни қандай?
2. «Адабиёт»нинг уч хусусияти деганда нимани тушунасиз?
3. Адабиётнинг кишилиқ жамиятидаги ўрни ва роли қандай?
4. Ўрта Осиёлик мутафаккирларининг қайсиларида адабиёт назарияси ҳақида назарий фикрлар бор?

Мавзу юзасидан берилган айрим сўзлар учун изоҳли лугат.

Баёз – аслида арабга сўз бўлиб, оққа кўчирилган асар демакдир.

Жузъ – тўплам.

Ёзгич – ёзувчи.

Физиклар – ХХ аср бошида адабиёт ва санъатни кераксиз деб ҳисобловчилар.

Лирикалар – аниқ фанлар ролини инкор этувчилар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т. «Ўқитувчи» 1980 йил. 5-30 бетлар.
2. Адабиёт назарияси дастури. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Т., 1999 йил.
3. Коллектив «Адабиёт назарияси». 2-томлик. Т., Фан. 1978-1979 йил.
4. Коллектив «Адабий турлар ва жанрлар». 2-том. Т., Фан. 1991-1992 йил.

2 - мавзу. Адабиётнинг ижтимоий вазифаси.

Р е ж а:

1. Адабиёт-ижтимоий онгнинг ўзига хос соҳаси ва ижтимоий тараққиётнинг қудратли омили сифатида.
2. Адабиёт ва замонавийлик.
3. Адабиёт ҳаётнинг инъикоси эканлиги.
4. Адабиёт - ҳаёт устидан чиқарилган ҳукм эканлиги.

Маъруза матн бўйича таянч сўз ва иборалар.

Адабиёт–ҳаёт ҳодисалари устидан ҳукм. Адабиёт – ҳаётни қайта қуриш қуроли. Замонавийлик ва ижод эркинлиги. Замонавийлик бадиий асарнинг бадиийлигини таъминловчи омил. Халқчиллик – адабиёт ва санъат асарларининг тушунарли бўлиши. Миллий адабиёт ва миллий замин.

Бадиий адабиёт - кенг маънодаги адабиётнинг, яъни матбуотнинг бир қисмидир. Бу нарса бадиий адабиётнинг энг муҳим хусусиятларидан бирини майдонга келтиради: бадиий адабиёт - ижтимоий онгнинг бир кўринишидир. Кишилиқ жамиятининг у ёки бу конкрет тарихий даврда табиат ва жамият ҳақидаги тасавурлари «ижтимоий онг» деб аталади. Матбуот - кишиларнинг билимлари хазинасидир, инсониятнинг ҳаётий тажрибасини йиғиб сақловчи хотирадир. Бадиий адабиёт ана шу матбуотнинг ажралмас қисмидир. Китоб кишини дунёни тушунишга ва яшашга ўргатади. Танқидчи Белинский адабиётни «халқ фикрининг сўнгги ва олий ифодаси» деб таърифлайди.

Адабиёт ижтимоий онгнинг шаклларида ёки соҳаларида биридир. Шу билан бирга, халқ фикрининг ўзига хос бир ифодасидир. Бу ўзига хослик шундан иборатки, табиий ёки ижтимоий фанлардан фарқли ўлароқ, адабиёт санъат соҳасига мансубдир. Санъатнинг бошқа турлари (музыка, расм, рақс, кинофильм...) каби адабиёт бизни фикримизни, ҳаёт ҳақидаги тушунчаларимизни бойитадиган эмас, балки чуқур эмоциялар (хис-ҳаяжон) ҳам уйғотади: у бизни ҳаяжонга солади, қувонтиради, ғазаб ёки хайрихоҳлик хисларини уйғотади. Аристотелнинг «Поэтика» сида қайд этилгандек, санъат ва адабиёт кишини руҳан «тозалаш» кучига эгадир. Адабиёт ижтимоий онгнинг бадиий шаклдаги ифодасидир. Адабиётнинг асосий қуроли - тилдир. Чунки сўз, тил умуман ижтимоий онгнинг қурolidир (табиат фанларининг вакили ҳам, ижтимоий фанлар мутахассиси ҳам ўз фикрларини, бадиий адабиёт вакили - ёзувчидек, сўз орқали ифода этади).

Адабиёт - ижтимоий онгнинг сўз орқали бадиий ифодасидир.

Адабиётнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва ўйнаган роли унинг ижтимоий функцияси деб аталади. (Функция-латинча сўз бўлиб, вазифа, хизмат, фаолият демакдир).

Кишилиқ фаолиятининг, шу жумладан, ақлий фаолиятнинг ҳар бир соҳага оид ўзига хос хусусиятлари ўша соҳаларнинг спецификаси деб аталади. («Специфика» - латинча сўз, ўзига хослик, бошқа нарсалардан фарқ маъноларида ишлатилади). Бадиий адабиётнинг ҳам фандан ёки тасвирий санъат ва мусикадан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятлари борки, улар адабиётнинг спецификаси деб аталади. Адабиётнинг ижтимоий ҳаётда ўз функциясини қандай шаклда, қандай воситалар орқали бажаришига оид масала - адабиётнинг спецификаси масаласидир.

Адабиётнинг ижтимоий функцияси ва спецификаси масалалари адабиётшунослиқнинг энг муҳим, марказий проблемалари, ўрганилиш лозим бўлган масалалардир.

Буюк француз ёзувчиси Анотоль Франснинг «Инсоният» ҳикоясида куйидаги воқеа тасвирланади: Бир вақтлар ўтган Шарқ подшоҳларидан бири инсоният тарихи ва одамлар ҳаётининг маъносини тушуниш орзусида экан, у олимларни йиғиб, инсоният тарихини ёзиб чиқишни топширибди. Олимлар кўп йиллар ишлаб инсоният тарихини ёзиб чиқибдилар. Бу тарих қирқ туяга юк бўладиган кўпдан кўп китобдан иборат бўлибди. Подшоҳ бу зўр адабиётни ўқиб чиқишга умри етмаслигини билиб, тарихни қисқартириб қайтадан ёзиб чиқишни буюрибди. Олимлар қисқача тарихни ёзиб келтирибдилар: энди у бир эшакка юк бўладиган китоблардан иборат экан. Подшоҳ бу вақтда қариб, қолган эди. У бу китобларни ҳам ўқиб чиқишга ўлгурмаслигини фахмлаб, тарихни яна ҳам қисқартириб ёзиб келишни илтимос қилади. Олимлар бутун инсоният тарихини бир катта китоб қилиб олиб келадилар. Аммо бу вақтда подшоҳ қаттиқ касал бўлиб, ўлим тўшагида ётар эди. Инсоният тарихини билмасдан ўлиб кетишни истамаган подшоҳ ўша олимларнинг энг доносидан сўради: - Агар бир сўз билан ифода этилса, инсоният тарихи нимадан иборат?

- Одамлар туғилдилар, азоб чекадилар ва ўладилар, - деб жавоб берди доно.

Афсонага яқин бир тарзда ёзилган бу ҳикоянинг шакли ва мазмунига эътибор берсак, биз икки нарсани кўрамиз: биринчидан, ёзувчи инсоният тарихи ва одамлар ҳаёти ҳақида маълум бир фикрни ўқувчига етказмоқчи бўлган; иккинчидан, бу фикрни ёзувчи тўппа-тўғри айтиб кўяқолмаган, балки ўқувчини ўша фикрни эшитишга тайёрлайдиган бир ҳаёт манзарасини яратган. Адабиёт - ҳаётнинг инъикосидир, деган қоида ёзувчиларнинг ижодий тажрибасида жуда ҳам кўп шаклларда намоён бўлади. Масалан, Абдулла +аҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясида биттагина ҳўкизи бўлган дехқоннинг уйига ўғри тушади. Дехқон ҳўкизини топаман деб унданда хонавайрон бўлади. Ўғри - ўғри эмас, балки ўша даврдаги қозию, амалдорлар ўғри деган хулоса келиб чиқади. «Ўтган кунлар» романи, А.+одирийнинг эътироф этишича, «тарихимизнинг энг қаро кунлари бўлган кейинги хон замонлари» тасвирига

бағишлангандир. Отабек ва Кумуш тақдири орқали тарихий шароитни тасвирлайди.

Ҳаётнинг адабиётдаги инъикоси бир кишининг (масалан муаллифнинг) кечинмалари шаклида (ҳаёт манзарасисиз) ҳам майдонга келиши мумкин, бундай ҳол кўпинча «лирика» деб аталмиш адабий турда учрайди. Яъни шеърятда буни кўплаб учратишимиз мумкин.

Ҳаётнинг адабиётда инъикос этишининг усул ва шакллари жуда ҳам бой. Адабий асар қайси усул билан яратилган бўлмасин, у ижоднинг қайси тур ва хилида майдонга келмасин, барибир ҳаётнинг инъикоси бўлиб қолади.

Ҳаёт - адабиётнинг ҳам мазмуни ҳам шаклига асос. Ҳаёт адабиётнинг мазмунини тайин этади. Шу билан бирга, адабий шаклларнинг юзага келишида ҳам ҳаёт катта рол ўйнайди. Адабиётнинг мазмуни ва ғояларигина эмас, балки шакли ҳам ҳаёт ва замон, кишиларнинг конкрет тарихий шароитдаги эҳтиёж ва тасаввурлари билан тайин этилади. («Минг бир кеча» - араб эртаклари йиғиндиси, Махабхарата ва Рамайна - қадим хинд халқи ижоди).

Адабиётнинг мазмуни ва ғояларигина эмас, балки шакли ҳам ҳаёт ва замон, кишиларнинг тарихий шароитдаги эҳтиёж ва тасаввурлари билан тайин этилади.

Адабиётнинг инъикосчилик хусусияти ҳақида олим ва ёзувчилар билдирган фикрлари.

Тарихда кўзга кўринган ёзувчилар ҳаётни акс эттириш–адабиётнинг бош вазифаси деб тушунганлар ва ўз ижодларини шу вазифага бўйсундиришга ҳаракат қилганлар. Алишер Навоий илк девони «Бадойиул-бидоя» («Илк гўзал асарлар») номли шеърӣ тўпламига ёзган «Дебоча» сида ижоди умрида бошига тушган ҳодисалар, улар туфайли онгида туғилган фикрлар ва кечинмаларнинг қайдидан иборат эканини гапиради: турмушда ўтган яхши ва ёмон ишлардан, севгининг роҳату азобларидан.

Оноре де Бальзак ўзининг муаззам «Инсон комедиясига» ёзган сўз бошида дейди: «Француз жамияти ўзи тарихнинг яратувчиси бўлиб чиқди, менга эса унинг секретари бўлиш вазифасигина қолди. Эҳтимол менга шунча тарихчилар томонидан унитилган тарих – хулқлар тарихини ёзиб чиқиш муяссар бўлар. Мен кўп бардош ва жасорат йиғиб туриб, эҳтимол XIX аср Францияси ҳақидаги китобни охирига етказарман». Ва у бунинг уддасидан чиқади.

М.Авезовнинг таъкидлашича «Абай» эпопеясининг мақсади қозоқ халқи тарихининг катта бир даврини акс эттиришдир. Ойбекнинг фикрича, «+утлуғ қон» ва «Навоий» романлари ўзбек халқи тарихининг турли даврлари манзарасини яратиш мақсадида ёзилгандир. Буюк санъатшунос ва адабиётшунослар ҳам адабиётни доим ҳаётнинг инъикоси деб тушунганлар. В.Г.Белинский учун санъат ўзининг мазмуни жиҳатидан халқнинг тарихий ҳаётининг ифодасидир.

Адабиёт–хаётни ўрганиш. Киши онги билан ҳаёт орасидаги муносабатлар аниқ амалий мазмунга эга, яъни одам табиат ва жамият қонунларини фақат билиб қўйиш учунгина эмас, балки ўз ҳаётини сақлаш ва яхшилаш, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳам ўрганади. Адабиёт ҳам шундай ўрганишнинг бир шаклидир. Ҳаётни ўрганиш жиҳатидан олим билан ёзувчининг орасида принципиал фарқ йўқ. Бадиий асарларда ёзувчи ўзи айтмоқчи бўлган ғояни ўқувчига баён этишдан аввал ва кўпинча бу ғояни бутунлай баён этмай, бизнинг кўз олдимизда ҳаёт манзарасини намоён қилади. Бу манзара шундай тасвирланадики, биз ёзувчи билан бирга ҳаётнинг ҳамма икр-чикирларини кўрамиз, кишиларнинг ҳаётида доир бўлган ҳодисалар ва психологиясидаги ўзгаришларнинг гувоҳи бўламиз. Адабиёт–ҳаётдан таъсирланиш ва ҳаёт ҳақиқатини чуқур ўрганиш самарасидир.

Адабиёт–ҳаёт ҳодисалари устидан ҳукмдир.

Киши ҳаёт ҳодисаларини билибгина қўймайди, балки улар ҳақида маълум хулосаларга келади, улар юзасидан маълум ҳукм чиқаради ва бу ҳукм унинг амалий ишида қўлланма бўлади. Адабиёт (худди киши онгининг бошқа соҳаларидек) воқеликни фақат ўрганиш билан чекланмайди, балки воқелик ҳодисалари юзасидан ҳукм чиқаради. Шунинг учун ҳам, Н.Г. Чернишевский жуда ҳақли суратда қуйидаги хулосаларга келади: «Агар ҳаётни кузатиш натижасида туғилган масалалардан қаттиқ ҳаяжонга тушган киши санъаткорлик талантига эга бўлса, у ҳолда унинг асарларида, онгли ва онгсиз равишда уни қизиқтираётган ҳодисалар устидан ҳукм чиқаришга интилиш ўз ифодасини топади. Унда санъаткор мутафаккирга айланади ва санъат асари, санъат соҳасида ўрин тутган ҳолда илмий аҳамият касб этади».

Адабиёт ҳаётни қайта қуриш қуролидир.

Ҳаётни қайта қуриш тилаги адабиётда ҳам ўз аксини топиб келган. Агар кишининг ҳаёли (орзуси) реал ҳаётга, уни ҳақиқатдан қайта қуриш имкониятларига асосланган бўлса, бундай ҳаёл ҳаёт ҳақида тўғри, ҳаққоний тасаввур яратишга ҳалақит бермайди.

Санъат ва адабиётнинг жамият тараққиётига катта таъсири масаласи аслида ғояларнинг кишилар онгига ва пировардида иқтисодий базисга таъсир масаласининг бир қисмигинадир. Маълумки, ғоялар, уларни омма эгаллаганда, моддий кучга айланади. Адабиёт ҳаётни ўрганади ва унинг устидан ҳукм чиқаради.

Адабиётнинг ҳаётнинг акс эттириш, ўрганиш, ҳаёт устидан ҳукм чиқариш ва ҳаётни қайта қуриш қуроли экани, унинг яна бир хосиятини келтириб чиқаради, Бу хосият–замонавийликдир. Жамият тараққиётининг ҳар конкрет босқичи ёки палласида кишиларнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, одамларнинг ўзларини маънавий мукаммаллаштириш борасида пайдо бўлган муҳим ижтимоий-ахлоқий ва бошқа масала ҳамда эҳтиёжларни аниқлашга интилиш, у эҳтиёж ва масалаларга жавоб ахтариш, жавоб топа билиш – замонавийлик деб аталади.

Жаҳон адабиёти тарихи кўрсатадики, ҳақиқий адабиёт замонавий бўлмаслиги мумкин эмас. Фақат замонавий бўлган асаргина жаҳон адабиёти тарихига қимматли ҳисса бўлиб киради. Буюк ёзувчилар ўз даврининг ижтимоий ҳаётидаги ҳодисаларни ва янги ижтимоий–ахлоқий эҳтиёжларни ифода этувчилар бўлиб майдонга чиқадилар. А.+одирий «Ўтган кунлар» га ёзган сўз бошида романнинг замон талаби билан ёзилганлигига қуйидагича иқроор бўлади: «Модомики, биз янги даврга оёқ кўйдик, бас биз ҳар бир йўсинда ҳам даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, романчилик ва ҳикоячиликдан ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замонанинг «Тоҳир ва Зухра»лари, «Фарҳод ва Ширин» ва «Бахроғур»лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз». Ажойиб романистнинг бу сўзларидан маълум бўладики, адабиётнинг машҳур асарлари ҳам ўз замонасининг талаби билан майдонга келган.

Ёзувчи ўз замонасини қизиқтирган, замондошларининг ҳаёлини банд этган масалаларга хилма–хил тарзда жавоб бериши мумкин. Алишер Навоий «Ҳайратул аброр» достонида ўз замонасининг ҳамма ижтимоий ва ахлоқий масалаларига алоҳида «мақолат» лар (боблар) бағишлаб ўз қарашини ифода этади. Унда шоир ўз замонасидаги золим подшоҳ саройидаги бузукликни чуқур нафрат билан тасвирлайди. Асарда Навоий бевосита замонаси, унинг кишилари ҳақида сўз юритади. Шу билан бирга, Навоий «Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий» каби асарларида замонасини эмас, узоқ ўтмиш воқеаларини тасвирлайди. Мазкур асарларда тасвир объекти замона ходисалари эмас тарихдир. Тарихга мурожаат этиш–ҳамма даврлар ва ҳамма халқлар адабиётида учрайдиган ходисадир. Ёзувчининг тарихий ўтмиш материални тасвир предмети қилиб олиши уни замонасидан юз ўтиргани ёки узоқлашганини кўрсатмайди. Ҳақиқий ёзувчи узоқ тарихни тасвирлаганда ҳам, замонавийлик унинг ижодининг бош хусусияти бўлиб қолади. Шундай қилиб, адабиёт–доимо замонавийдир. Замон ҳаёти материалига мурожаат этиш ва тарихдан (ёки афсоналардан) тасвир предмети олиш–адабиётга замонавийликнинг фақат икки қиррасидир.

Тарихий воқеаларни тасвирлаган асарлар фақат ўз замонасининг муҳим проблемалари нури билан ёритилгандагина адабиётга катта ҳисса бўлиб кирадилар, замондошлар диққатини ўзига жалб эта оладилар. (+одирийнинг «Меҳробдан чаён», Ҳамзанинг «Майсаранинг иши» каби асарлари, Ойбекнинг «Навоий» асарлари). Замонавийлик–бадий адабиётнинг энг муҳим хусусиятларидан, адабиёт тараққиётининг барқарор ва самарали қонуниятларидан биридир.

Замонавийлик–замонага мослаш (замонасозлик) эмас, балки маълум даврда кишилик жамиятининг тараққиёти учун зарур бўлган янги ғояларни ифода этишдирки, бундай прогрессив ғоялар хамиша замона кишиларнинг онгида ҳукмрон бўлган ғояларга мос бўлавермайди. Ҳақиқий ёзувчи янги, прогрессив ҳаётий ҳодиса ва ғояларни кашф қилувчи, ўша янгиликка мос

ёркин ифода берувчидир. Ҳар бир ҳақиқий бадиий асар–ижтимоий онг соҳасида янги сўздир.

Замонавийлик–адабиётнинг фақат мазмунига эмас, унинг шакли, тасвир усуллари ва воситаларига ҳам тааллуқли масаладир. Янги замонавий мазмун билан адабиётнинг шаклида ҳам ўзгаришлар юз беради. Ўрта асрнинг сўнги ва янги замоннинг илк шоири бўлган Данте замона талаби билан Италияда бадиий адабиёт яратиш учун курашади. (Дантегача Италияда бадиий адабиёт асарлари фақат латин тилида ёзилар эди.) Лутфий ва Навоий қадим ўзбек тили (туркий)да буюк адабиёт яратадилар.

Замонасининг энг илғор ижтимоий куч ва ғоялари билан мустаҳкам алоқа–ёзувчи ижодининг энг катта ижтимоий аҳамиятини таъмин этувчи омиллардан биридир.

Ҳақиқий ёзувчи доимо курашчи, жангчидир: у жамият ҳаётидаги ходисаларга бепарқ қараб тураолмайди. Буюк ёзувчилар доимо ижтимоий ҳаётда актив иштирок этган кишилардир. Демак адабиётнинг замонавийлиги фақат адабиёт асарларининг мазмунидагина эмас, балки ёзувчининг жамият ҳаётида шахсан ўйнаган ролига боғлиқ. Албатта ёзувчи ижоди унинг жамият ҳаётида ўйнаган ролини тайин этувчи бош омилдир, аммо бунга ёзувчининг ижтимоий ҳаётда шахсан актив иштироки кўшилса, ўша ижоднинг ижобий роли яна ҳам ортади. Ёзувчилар буни яхши тушунадилар ва ўзларининг–замонанинг илғор кишиларининг жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлигини доимо иш ёки сўз билан ифода этиб турадилар.

Ёзувчи шахсан ижтимоий ақиллик кўрсатмаган тақдирда ҳам, унинг ижодигина эмас, балки маънавий қиёфаси ҳам илғор жамоатчиликнинг байроғи ва ўзи эса замонанинг илғор кишилари учун энг азиз шахс бўлиб қолади.

Ёзувчи шахсининг катта ижтимоий фактор (омил)га айланиши ҳамма халқларнинг адабиётлари тарихи учун ҳам характерлидир. Фирдавсий ҳаётига оид бир фактни эсга олайлик. Фирдавсий буюк «Шоҳнома» ни тамомлаб, подшоҳ Маҳмуд Ғазнавийга тақдим этади ва ўзининг ўттиз йиллик ижодий меҳнатининг муносиб тақдирланишини кутади. Подшо шоир қилган қаҳрамонликнинг қадрига етмайди, унга маънавий мадад бермайди, озгина пул билан мукофотлайди. Шоир ҳаммомга тушади ва ходмичи ёллади ва унга Маҳмуднинг бутун пулини беради ҳамда подшоҳни тавсифлаб юз байтдан иборат ҳажвия ёзади. Бу ҳажвиянинг шуҳрати оламни тутуди. Маҳмуд шоирни ўлдирмоқчи бўлади, шоир мамлакатдан қочиб қутулади. Подшо ҳажвиянинг ҳар нусҳаси учун катта пул мукофот ваъда қилиб, Фирдавсий асарларини оламдан йўқотмоқчи бўлади. Аммо у ниятига ета олмайди–буюк шоирнинг асарлари асрлар оша бизгача етиб келди.

Албатта, ижтимоий ҳаётда актив рол ўйнаш ҳар сафар ҳам ёзувчининг замона воқеаларига қизғин иштирок этиши тарзида намоён бўлавермайди. Баъзан жамият учун энг фойдали бўлган ўз ижодини самарали қилиш учун ёзувчи кундалик ҳаётдан атайин узоқлашуви ҳам мумкин ва бу ҳол унинг

ижтимоий роли пасайганини кўрсатмайди. Масалан, Фирдавсий «Шоҳнома» ни ёзиш учун 30 йил умрини ёлғизликда ўтказган эди. Лутфий ҳам умрининг охирини Ҳиротдан узокда, қишлоқда ўтказди. Одатда замонасининг ижтимоий шароити тинч ва самарали ижодга йўл қўймаган чоқда ёзувчилар шундай қилишга мажбур бўладилар.

Актив ижод билан қизгин ижтимоий фаолиятни бир-бирига қўшиш имкониятига эга бўлганда ҳам, бўлмаганда ҳам ёзувчи доимо ўзини жамиятнинг ажралмас бир бўлаги ва хизматчиси деб ҳис этади.

Замонавийлик ва ижод эркинлиги. Баъзан ёзувчи ижодининг замона билан чамбарчас боғлиқлиги унинг эркин равишда ижод этишига, «ўз кўнглида бор гапларни айтишга» тўсқинлик қиладигандек туюлади. Агар ёзувчи замонанинг талабларига итоат этиб, иш кўрса, қандай қилиб «ўқувчидан биров олдинда бориш» талабига жавоб бера олади. Унинг ижоди қандай қилиб замонаси учун ихтирочилик ролини ўйнайди? Бу ерда гўё адабиётнинг асосий вазифалари билан замонавийлик талаби орасида жиддий қарама-қаршилик бордек кўринади. Замонавийлик–адабиётнинг ҳаётийлиги аломати, унинг жонидир. Замонавийликнинг ҳиссий, яъни замонасининг илғор интилиш ва эҳтиёжларини сеза билиш ёзувчига ажойиб мазмундор бадиий асарлар яратишга ёрдам беради. Замонавийлик ёзувчининг замондошлари ва келажак авлодлари олдида катта хизмати бўлиб қолади.

Замонавийлик бадиий асарнинг абадийлигини таъминловчи омил эканлиги. Алишер Навоийнинг чуқур замонавий лирикаси (масалан, ғазаллари) бугун ҳам ўзбек ва бошқа шарқларнинг маънавий ҳаётида катта ўрин тутаяди. Буюк асарларнинг бадиийлигининг «сири» шундаки, уларга замонасининг конкрет ижтимоий ва ахлоқий муаммолари муносабати билан санъат ва адабиётнинг (ва умуман ижтимоий тафаккурнинг) доимий мазмунини ташкил этадиган «абадий проблемалар» – адолат учун ва зулмга қарши кураш, муҳаббат, нафрат, дўстлик, инсонийлик, маърифат ва шунга ўхшаш проблемалар ёритилади. Аммо бу проблемалар (муаммолар) конкрет тарихий шароит билан боғлиқ холда қанчалик чуқур ёритилса, асарнинг адабий қиммати шунчалик баланд бўлади. Демак замонавийлик адабий асарнинг абадийлигини таъминловчи омиллардан биридир. Ёзувчининг замона кишиларининг эҳтиёжларига яқинлиги уни келажак авлод кишиларидан узоклаштирамайди, чунки ҳамма даврлар ва халқлар орасида, уларнинг психологияси, маънавий ва эстетик эҳтиёжларида доимо умумийлик сақланади.

Инсонпарварлик ғоялари Ғарбий Европа адабиётида XIV- XV асрларда Уйғониш даври бошланиши муносабати билан пайдо бўлган эди. Италиян Петрарка (1304-1374) ва Жованни Бокаччо (1313-1375) француз Франсуа Рабле (1494-1553), немис Ульрих фон Гуттен (1488-1523) ва бошқа кўпгина буюк ёзувчилар инсонни унинг ер юзидаги ҳаётини куйлайдилар.

Ўрта Осиё тарихида адабиётнинг бизга маълум илк намуналаридан масалан, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “+утадғу билиг”

асарларидан бошлаб ижтимоий - фикрда инсонпарварлик (гуманизм) пайдо бўлганини айтиш мумкин. Дунёвий адабиёт (Дурбек, Хоразмий, Лутфий, Навоий ва бошқалар ижоди) гуманистик адабиётнинг намунаси деб ҳисобланади, бу адабиётнинг асосий мазмуни – инсонни мадҳ этиш, унинг бахтини қуйлаш ва ер юзидаги ҳаётини эъзозлашдан иборатдир, Навоий:

Жондин сени кўп севарман, эй умри азиз!
Сондин сени кўп севарман, эй умри азиз!
Ҳар неники севмоқ ондин ортиқ бўлмас,
Ондин сени кўп севарман, эй умри азиз! – дейди.

“Хамса” ва “Чор девон” да XV аср одамнинг кенг ички дунёси, замонасининг энг муҳим қарама-қаршиликлари ва буюк ёзувчининг инсонпарварлик орзулари ифода этилган.

Инсонпарвар ёзувчиларнинг хизматларидан бири – адабиётни халқ ижоди билан яқинлаштиришдир. Гуманист ёзувчилар кўпинча фольклорда ишланган сюжетларни ўз асарларига асос қилиб оладилар ва уларни ўз дунёқарашлари нуқтаи назаридан қайта ишлаб, буюк асарлар яратадилар, (Шарқ адабиётидан Фирдавсий, Низомий, Жомий, Навоий, Ғарб адабиётидан Данте, Шекспир ва Гёте мисол бўла олади).

Инсонпарвар адабиётнинг учта хосиятини алоҳида аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтамиз :

1. Адабиётни инсонни, унинг ҳисларини қуйлашга қаратиш, инсонни эъзозлаш ва мадҳ этиш ;

2. Адабиётни замонасининг муҳим ижтимоий проблемалар (адолат, маърифатпарварлик, инсонни хур фикрлилиги ва ҳақоза)ни ҳал этишга яқинлаштириш.

3. Адабиётнинг воситаларини (биринчи галда тилини) халққа яқинлаштиришга интилиш.

Гуманист ёзувчилар ўз даври учунгина эмас, кейинги авлодлар учун ҳам қимматли асарлар яратиб қолдирадилар. Улардан кейин инсонпарварлик ҳамма давр адабиётларининг традицияси бўлиб қолади.

Адабиётнинг халқчиллиги. Халқ онгини тўғри инъикос эттириш ва шакллантиришга қодирлик адабиёт ва санъатнинг халқчиллиги деб аталади. Халқчил ёзувчи ўз асарларида халқнинг манфаатларини ифода этади. Адабиёт ва санъатнинг халқчиллиги турлича намоён бўлади. Халқ манфаатларини у ёки бу даражада ифода эта билган асар халқчилдир. Бу халқчилликнинг бош критерийси–ўлчовидир. Халқчилликнинг яна қуйидаги элемент ёки ташқи аломатлари мавжуддир.

а) адабиёт ва санъат асарининг халққа тушунарли воситалар билан яратилиши;

б) ёзувчи ижодининг халқ ижоди билан чамбарчас алоқаси, фольклорда учрайдиган сюжетлардан тасвир воситаларидан фойдаланиш;

в) адабиёт ва санъат асарида муаллиф мансуб бўлмаган “бегона” халқлар ҳаёти объектив тасвирининг мавжудлиги—ёзувчи ижодининг байналмилаллик (интернационализм) руҳида бўлиши.

Бу аломатлар ҳаммаси бир асарда жамланган ҳолда ёки якка-якка тарзда ҳам учраши мумкин. Бундай вақтда асарнинг мазмунида инсонпарварликни кўзлаш унинг халқчиллигини тайин этувчи бош омил бўлиб қолади. Асар халқчил бўлиши учун ҳар сафар ҳам унда халқ ҳаёти тасвирланиши шарт эмас. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” асарида халқ тасвирланмаган бўлса ҳам, халқчилдир: унда ҳаёт замонаси учун прогрессив ғоявий позицияда туриб, бутун жамият ва унинг кўпчилиги учун тушунарли, воситалар билан яратилган ҳамда мазкур асарлар мазмунида инсонпарварлик мавжуддир. Ҳар қандай асарнинг халқчиллигини тайинлаганда биринчи мезон—уни мазмунининг халқ ва бутун жамият тараққиёти манфаатларига мослигидир.

Адабиётнинг миллий ва умуминсоний мазмуни. Ҳозирги замон ўқувчиси, қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар Гомер ва Фирдавсийни, Шекспир ва Низомийни, Навоий ва Гётени, Бальзак ва Пушкинни, Абай ва Ҳамзани катта қизиқиш билан ўқийди. Адабиётнинг энг яхши намуналари, қайси мамлакатда ва қайси халқ томонидан яратилмасин, бутун дунёда севиб ўқилади. Бунга сабаб уларнинг мазмунининг миллийлигидан ташқари, умуминсоний ва байналмилал характерга ҳам эга бўлганидир. Бадиий адабиёт ҳамма учун қизиқарли ва фойдали бўлган жуда кўп муаммоларни, ижтимоий ва ахлоқий масалаларни қамраб олади. Инсоният психологияси ва интилишларининг муштараклиги туфайли бир вакили (ёзувчи) томонидан шу халқ ҳаётига асосланиб яратилган асар, агар етарли ғоявий ва бадиий савияда ёзилган бўлса, ўз-ўзидан ер юзининг ҳамма жойларидаги кишилар учун қизиқарли бўлиб қолади.

Ҳар бир миллий адабиёт, ўз миллий замини асосида майдонга келади. Ҳар халқнинг унинг адабиётида ўз аксини топади. Ҳар бир ёзувчи биринчи навбатда ўз атрофидаги ҳаётни—ўз халқига мансуб кишиларнинг характерларини тасвир этади. Шунинг учун ҳам Гомер ва Фирдавсий, Навоий ва Шекспир, Абай ва Ҳамза асарларида тасвирланган ҳаёт ва қаҳрамонлар бир-бирларидан фарқ этадилар. Шу билан бирга, ёзувчи тасвирининг марказида турган нарса—одам бўлгани туфайли, асар мазмуни дунёдаги ҳамма кишиларни қизиқтирадиган умумий масалаларни қамраб олади. Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта”, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” асарларининг конкрет тарихий ва миллий мазмуни бир-биридан жуда катта фарқ қилади, қаҳрамонларнинг ҳаёт шароити ва психологиясида ҳам ана шундай катта тафовут мавжуд. Аммо ҳар икки асар ҳам инсон эркини, соф ва покиза муҳаббатни улуғлаши, яқин кишиларни бадбахт қилувчи бидъатларни фош этишига кўра бир-бирига жуда яқин ва шу сабабли жаҳондаги ҳамма халқларнинг севимли асарлари бўлиб қолган.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар.

1. Адабиёт ижтимоий онгинг ўзига хос соҳаси эканлигини тушунтириб беринг?
2. Адабиёт ва замонавийлик деганда нимани назарда тутиш мумкин?
3. Замонавийлик замонга мослашми?
4. Адабиётда ёзувчининг ахлоқий қиёфасини сезиш мумкинми?

Мавзу юзасидан берилган айрим сўзлар учун изоҳли лугат.

Асар – арабча китоб.

Осори атиқа - қадимги, антик асарлар, ёдгорликлар.

Бадийлик – кенг маънода санъатнинг асосий хусусияти.

Варваризм – лотинча «ажнабий» сўзидан олинган бўлиб, асар тилига хос бўлмаган чет тили сўзлари.

Вульгаризм – лотинча адабий тилда ишлатилмайдиган дагал сўзлар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т. «Ўқитувчи» 1980 йил. 50-53 бетлар.
2. Адабиёт назарияси дастури. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Т., 1999 йил.
3. Коллектив «Адабиёт назарияси». 2-томлик. Т., Фан. 1978-1979 йил.
4. Коллектив «Адабий турлар ва жанрлар». 2-том. Т., Фан. 1991-1992 йил.

3-мавзу. Адабиётнинг ўзига хослиги.

Режа:

1. Адабиётнинг ўзига хослиги.
2. Адабиётда шакл ва мазмун.
3. Бадиий асарда типиклаштириш.
4. Адабиётнинг эстетик аҳамияти.

Мавзу буйича таянч сўзлар.

Адабиёт ва санъат. ўзаро алоқадорлиги. мусиқа, расм, рақс, кинофильм... билан боғлиқлиги, Адабиётнинг ижтимоий функция (вазифаси). Ҳаёт - адабиётнинг ҳам мазмун, ҳам шаклига асос эканлиги.

Адабиётнинг спецификаси адабиётшунослик ва адабиёт назариясининг энг муҳим мураккаб масаласидир. У адабиётшунослик ва адабиёт назариясига оид турли асарларда турлича ёритилади, баъзи қирралари кенг, баъзилари эса жуда тор маънода талқин этилади. Аммо бу асарларнинг барчасида адабиётнинг спецификасига доир бир масалалар доираси тилга олинади. Адабиётнинг спецификаси муносабати билан тилга олиндиган хусусиятларнинг энг биринчиси—инсоншуносликдир. Ҳар бир бадиий асарни ўқигандан кейин зеҳнимизда асарда тасвир этилган кишиларнинг образлари қолади. (Навоийда Фарҳод ва Ширин, +одирийда Кумуш ва Отабек). Ёзувчи ҳар тарихий давр ва шароитнинг маҳсулоти бўлган инсонни текширади, унинг руҳий ҳолатларига қиради, ички дунёси ҳақида бизга аниқ ва равшан тасаввур беради. Бу вазифани бадиий адабиёт образ яратиш йўли билан бажаради. Бадиий адабиётда тасвир этилган инсон образи умумлаштирувчи кучга эга. Унда маълум давр ва муҳит кишисининг энг муҳим ва характерли хусусиятлари мужассамлашган бўлади. Шу сабабли образлилик—бадиий адабиёт асарининг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Ёзувчи бадиий адабиёт асарида қонуниятларни бадиий тасвирлашга интилиш—**типиклаштириш** деб аталади. Бадиий адабиётнинг яна бир специфик хусусияти—унда сўзнинг алоҳида аҳамиятга эгалигидир. Ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини расом бўёқ ва чизиклар, композитор товуш ва уларнинг узун қисқалиги, раққос ҳаракатлар орқали ифодаласа, бадиий адабиёт вакили сўзга таянади.

Шундай қилиб, инсоншунослик, образлилик, тўқиманинг муҳимлиги, тасвирнинг типиклашганлиги ва сўзнинг алоҳида роли бадиий адабиёт спецификасининг жуда муҳим моментларидир.

Адабиёт ўз вазифалари, мазмуни ва шакли жиҳатидан специфик хусусиятларга эгадир. Бу специфик хусусиятларнинг жами адабиётнинг жамият ҳаётидаги алоҳида ролини таъмин этади. Адабиёт спецификасини ана шу уч томондан кўздан кечириш орқалигина бадий сўз санъатининг спецификаси ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Инсон–адабиётнинг тасвир предмети дир. Инсон тасвири йўқ жойда бадий адабиёт йўқ. Адабиётнинг баъзи жанрларида одам тасвири йўқдек туюлади. Масалан, масал жанрида ҳақида сўз юритилади. Аммо барибир бунда ҳам ҳайвонлар тасвири одам, унинг фикр ва хислатлари ифодаси учун рамзий восита дир. Бирор асар ҳатто ташқи жиҳатдан бадий адабиёт асарига жуда ўхшаб кетган ва нусхаси ҳисобланган ҳолда ҳам, агар ўша асарда инсон ва унинг инсон ва унинг кечинмалари тасвири бўлмаса, бадий адабиётдан жой ололмайди. Бадий адабиёт инсоншунослик бўлгани учун ундаги ҳаёт тасвири ўқувчилар онгида, даставвал тасвир этилган одамлар сифатида жой олади. Навоий ижодида ўз тасвирини топган ҳаёт Лайли Мажнун, Шекспир ижоди–Гамлет, Отелло, +одирий ижоди–Анвар Раъно образлари орқали бизнинг онгимизда абадий қолгандир. Инсоншунослик шарқ халқлари адабиётлари учун қадим замонлардан бери характерли дир. Инсоншунослик (инсон ҳаётининг ҳамма томонларини акс эттириш) адабиётга биров томонидан юкланган вазифа эмас, балки унинг ўз табиатидан келиб чиққан, узвий специфик хусусияти дир. Шу ўринда адабиётда инсон кечинмалари тасвири масаласининг икки муҳим жиҳати (моменти)га тўхталамиз.

Биринчи жиҳати. Адабиёт учун инсон кечинмаларини тасвирлаш– дунёни (инсоннинг ўзини ҳам)тушуниш воситаси дир. Шу сабабли адабиёт доимо инсоннинг ички дунёсини унинг борлиққа муносабатида тасвирлайди. Ҳатто ташқи дунёнинг энг оддий ашёлари ҳақида гап борганда ҳам адабиётни шу ашёларнинг ўзи эмас, балки шу ашёлар муносабати билан инсон нималарни ўйлагани ва қандай ҳисларни бошдан кечиргани қизиқтиради.

Иккинчи жиҳати. Шоирнинг ҳаёт ва олам ҳақидаги ўйлари, кечинмалари асосида доимо бевосита ёки бевосита ифода этилган орзу ҳаётни яна ҳам гўзалроқ, инсонни яна ҳам одилроқ, донороқ, сахийроқ ва жасурроқ кўриш орзуси ва бу орзунинг амалга ошуви имконияти борлигига имо-ишора этади. Адабиётда инсоннинг ички дунёсини тасвир этиш дунёни ва инсоннинг ўзини ҳам тушунишни мақсад қилиб олади: шу билан бирга, дунёни тушунишга интилиш уни яна ҳам гўзалроқ қилиш орзуси билан суғорилган бўлади. Адабиёт–инсон олам ва ҳаёт ҳақида «фикр айтмоққа» эҳтиёж сезганида туғилган.

Инсон кечинмалари тасвирининг икки муҳим жиҳати. Инсон ва унинг кечинмаларининг тасвири адабиётнинг вазифалари спецификасининг муҳим бир томони дир. Бу спецификанинг иккинчи томони адабиёт–аклий фаолиятнинг жуда ҳам кенг аудиторияга мўлжалланган соҳаси экани дир. Адабий асар ўзининг мазмуни ва шакли жиҳатидан доимо миллион-миллион кишилар учун, атайин ва аввалдан уларга аталиб яратилади. Физик, химик,

биолог ёки социолог илмий асар яратганда ёки бирор илмий ҳақиқатни кашф этганда, ўз асари ва кашфиётининг ҳамма томонидан ўрганилишини кўзда тутмайди, Адабиёт асарини яратувчи эса ўз асарининг бунёдга келишидан аввалроқ унинг ҳамма, шу жумладан, адабиётга қизиқувчи физик, химик, биолог ва социолог томонидан ҳам ўқилишини кўзда тутди, акс ҳолда асарнинг муваффақиятли чиқишини таъмин этаолмайди. Мазмун ва шакл жиҳатидан кенг ўқувчилар оммасига мўлжаллаб асар яратиш адабиётнинг табиатидан келиб чиқадиган иккинчи вазифасидир. Адабиётнинг бу хусусиятини кўрсатувчи термин адабиётшуносликда хали йўқ. Бу адабиётнинг бу хусусиятини оммавийлик деб атаймиз. Оммавийликка интилиш–адабиётнинг қадимдан тан олинган ва жуда муҳим вазифаси бўлиб, адабиётни яратувчилар томонидан стихияли ёки равишда мутассил бажарилиб келади.

Инсоншунослик ва оммавийлик–бадий адабиёт вазифаларининг муҳим специфик хусусиятларини ташкил этади. Инсоншунослик ва оммавийлик–адабий асарнинг шаклига, унинг бадийлигига бевосита алоқадор аломатлардир. Инсон ҳолатини, унинг кечинмаларини тасвир этмаган асар бадий бўлаолмайди. Шу билан бирга, бу тасвир адабиётнинг оммавийлиги хусусиятини эътиборга олгандагина муваффақиятли чиқиши мумкин.

Адабиёт ва санъат ҳаётнинг аниқ ва ёрқин тасвирини беришни талаб этади. Адабиётнинг улкан вакиллари бадий асарнинг ана шу соддалиги учун онгли равишда кураш олиб бордилар, Абдулла +одирий XX аср бошида Европада мода (урф) бўлган, лекин омма тушунмайдиган мураккаб усулда ёзишни талаб қилувчи ва классик адабиётнинг баъзи «эски приёмлар»идан фойдаланишни қораловчи танқидчиларга жавобан ҳақли равишда ёзган эди : « ... бу эски приём жўрттага, халқимизнинг савиясини эътиборга олиб қабул қилингандир. Халқнинг завқини, руҳини назарда тутилмаса, «сўнгги приём» деб Европанинг сўнгги модасини тақдим қилинса, бундан нима маъно чиқариб бўлар эди... вақтики, биз кўпчилик ишчи ва деҳқон оммасига ёзар эканмиз, «эски приём билан ёзади».

Бадий адабиёт вазифаларининг спецификаси–инсоншунослик ва оммавийлик–ғоявий мазмунининг ҳам специфик хусусиятларини тайин этади. Мазмуннинг спецификаси эса бадийликнинг асосий шартларидан бири сифатида кўринади. Бадий асарнинг мазмуни унда ифода этилган ғоялар ва тасвир этилган ҳаётий материал (инсон, жамият, табиат)дан иборатдир. Бадий адабиёт мазмунининг спецификаси–адабиётшуносликда кам ўрганилган проблемалардан биридир.

Мазмуннинг салмоқдорлиги. Бадий асар мазмунининг специфик хусусиятларидан бири – унда инсон учун минглаб кишилар учун муҳим бўлган ғояларнинг мавжудлигидир. Буни **мазмундаги салмоқдорлик** деб аташ мумкин. Адабиёт бунёд бўлгандан бери ёзувчилар ўз асарларини инсоният учун жуда муҳим бўлган ғоялар билан ҳаракат қиладилар.

Аслида ёзувчилик ўзи талантли одамда бошқаларнинг ҳаёлига келмаган, аммо ҳамма учун жуда муҳим бўлган ғояларнинг туғилишидан ва шу ғояларни

мумкин қадар кўпроқ кишилар онгига етказиш эҳтиёжини сезишдан, бу эҳтиёжни талантга тинчлик бермаслигидан бошланади.

Жаҳон адабиёти тарихида битта ҳам кўзга кўринган асар йўқки, унинг учун мазмунининг муҳимлиги, салмоқдорлиги, характерли бўлмаган, унда замона ҳаётининг энг муҳим томонлари, даврнинг энг муҳим томонлари, даврнинг энг муҳим, илғор ғоялари ўз аксини топмаган бўлсин. Саёз, мазмунли пуч асар ҳеч қачон ўқувчиларнинг онги ва қалбига таъсир кўрсатмайди, шу сабабли замонаси ҳамда кейинги авлодларнинг маънавий ҳаётида сезиларли рол ўйнамайди.

Ёзувчи ўз замонасидан узок ўтмиш материалга мурожаат этганда ҳам ўз асарининг мазмунини салмоқдор этишга, уни замондошлар учун муҳим бўлган ижтимоий муаммолар билан боғлашга интилади. «Ўтган кунлар» романини мисолга олайлик. Отабек ва Кумуш муҳаббати тарихини ҳам икки оғиз сўз билан ифодалаш мумкин: ота-она орзуси билан уйланиш анъанаси натижасида бир-биридан фожеали равишда жудо бўлган қиз ва йигитлар саргузашти Шарқ халқлари ҳаётида ҳар куни минг маротабадан такрор бўлиб турган ҳодиса эди. Бу ҳодиса кишиларнинг онгига шунчалик ўрнашиб кетган эдики, кўпчилик уни ғайриинсоний ва фалокатли одат эканини сезмас эди; бу ҳодиса маиший ва ахлоқий норма (меъёр) қаторига кириб кетган, миллионлаб кишилар ота-она орзуси билан оила қуриб, муҳаббат нима эканини, муҳаббатсиз ҳаёт–ҳаёт эмаслигини билмай яшайверган. Кумуш ва Отабек тақдирини орқали ёзувчи муҳаббатдек олий ва гўзал ҳиснинг кишилар ҳаётидаги ажойиб ўрнини кўрсатиб берди, шундай яшашга интилиш туғдирди. Бироқ +одирий муҳаббатнинг киши ҳаётидаги ўрнини кўрсатиш билан чекланмади, балки икки ёшнинг муҳаббати можаросини катта ижтимоий ғояни ифода этишга, ўша даврдаги тузумни «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари» сифатида фош этиш вазифасига бўйсундирди.

Адабий асарнинг мазмунидаги салмоқдорлик, асарнинг ўз замонаси учун муҳим бўлган ғоялар билан суғорилганлиги–ёзувчининг халқ ҳаёти билан алоқасига, ҳаётда бўлаётган муҳим ҳодисаларни ўз диққат марказида тутиши ва тасвирлаб бера олишига боғлиқдир. Ёзувчи ўз ижодида халқ учун муҳим бўлган масалаларни четлаб ўтолмайди. Ёзувчи талантининг масштаби яъни кўлами ўз замонаси ва бутун инсоният учун муҳим бўлган ҳаётининг масалаларни эҳтирос ва бадиий маҳорат билан ўртага қўя билишда кўринади. Мазмундорликка, мазмуннинг салмоқдорлигига интилиш ёзувчининг ижодий ниятидан, яъни асарнинг асосий мақсадини тайинлашидан бошланади. Мазмунан салмоқдорлик адабиётининг катта ва кичик асарларида баб-баравар амалга ошириладиган талабдир. Абдулла +ахҳорнинг энг яхши ҳикоялари–кичик ҳажмдаги асарда катта, салмоқдор мазмунни ифода эта билиш намунасидир. («Ўгри», «Анор»... ва бошқалар).

Лирик турга мансуб асарлар мазмунининг салмоқдорлиги нимада намоён бўлади? Лирик асарларда шоир гўё фақат ўзи ҳақида гапиради. Тасвир этилаётган рухий ҳолатнинг конкрет шахс шахс қалби билан боғлиқлиги–

лирик асарларнинг умумлаштирувчи кучини йўққа чиқармайди? Йўқ, бунга икки сабаб бор. Биринчидан, ҳаққоний тасвирланган ҳар қандай инсоний рухий ҳолат ҳамма учун умумийдир, шу сабабли унинг бадиий тасвири доимо бизга тушунарли, бизнинг ўз ҳолатимизнинг тасвири сифатида қадрлидир. Иккинчидан, лирик турга мансуб асарларда кўпинча бир шахс (лирик қаҳрамоннинг) фақат ўзига хос кечинмаларинигина эмас, балки барчага алоқадор бўлган ижтимоий муаммолар муносабати билан бошидан кечирганлари, шодлиги, ғурури ёки ташвиши, аламлари ифода этилади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар.

1. Адабиётнинг бошқа ижтимоий фанлардан фарқи қандай?
2. Адабиётда шакл ва мазмун деганда нимани тушунасиз?
3. Типиклаштириш ҳақида фикрингиз?

Мавзу юзасидан берилган айрим сўзлар учун изоҳли лугат.

Типик–турли хил ҳаётий воқеалар, жамият тузими учун характерли ҳодиса ё шахс.

Мазмун ва шакл–асарда бадиийликнинг зарур шarti.

Образ–санъат ва адабиётда турмушни ўзига хос бадиий шаклда акс эттирувчи манзара ва характер.

АДАБИЁТЛАР:

1. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т. «Ўқитувчи» 1980 йил. 106-132 бетлар.
2. Адабиёт назарияси дастури. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Т., 1999 йил.
3. Коллектив «Адабиёт назарияси». 2-томлик. Т., Фан. 1978-1979 йил.
4. Коллектив «Адабий турлар ва жанрлар». 2-том. Т., Фан. 1991-1992 йил.

4 мавзу. Адабий асар тузилиши.

Режа:

1. Бадиий адабиётда мазмун ва шакл бирлиги.
2. Асарнинг асосий темаси ва ғояси.
3. Образ ва типиклик.
4. Бадиий асар сюжети ва композицияси.

Маъруза матн бўйича таянч сўз ва иборалар.

Асар мазмуни унда акс этган ҳаёт. Ёзувчининг ҳаёт воқеаларига муносабати гоёни белгилайди. Мазмун ва шакл бирлиги бадиий асарда бадиийликнинг зарур шарт.

Мазмун ва шакл бадиий асарни таҳлил қилиш жараёнида уни бир бутунликда тўғри тушунишимизга имкон берадиган, ўзаро узвий боғланган ички ва ташқи томонлардир. Чунки, мазмун бадиий асарнинг моҳиятини ифодаласа, шакл шу моҳиятнинг намоён бўлиши, яъни ифодаланиш усулидир. Шу маънода бадиий асарнинг мазмуни унда акс этган ҳаётнинг фактлардан иборат бўлади. Бу фактлар эса ёзувчининг маълум нуқтаи назари асосида ёритилади. Чунки, бадиий асарда (хикоя, роман ёки пьесада) одамлар, уларнинг ўзаро алоқалари, турмуш воқеа-ҳодисалари акс этирилган экан, буларнинг ҳаммаси шу асарда бир бутунликни ташкил этади. Бу бир бутунлик, табиийки, турмушни образли акс этириш туфайли вужудга келади.

Инсон эса ҳаётда яқка ҳолда яшамайди, у доим ўзини ўраб олган муҳит, одамлар, табиат билан алоқада бўлади. Шу сабабли бадиий асарда инсон у яшаётган ҳаётнинг шароит билан бирликда, айти пайтда индивидуал ва умумлаштирилган ҳолда ифодаланади.

С.Айнийнинг «+уллар» романида ҳам биз юз йилдан ортиқроқ (1825-1933) тарихий воқеаларнинг меҳнаткашларга мансуб уч авлоди вакиллари образида акс этирилганини кўрамиз. Раҳимдод–ўтмишда зулм остида эзилган, ҳаёти қулликда ўтган авлодлар вакили. Эргаш ва Сафарқул– онгида янги тушунчалар пайдо бўлиб, янги ҳаёт учун курашганларнинг умумлашма образлари.

Демак, «+уллар» романларида тасвирланган образлар ситемасида фақат у ёки бу образгагина эмас, балки бир-бирига қарама-қарши икки ижтимоий гуруҳга хос характерлар умумлаштирилган бўлиб, бу бадиий умумлашмалар ҳар иккала асарнинг ғоявий-тематик мазмунини ташкил этган. Чунки ёзувчи танлаган ҳаёт воқеа-ҳодисалари тасвирида асар мазмуни ва ёзувчининг ғоявий позицияси ифодаланади. Асар темаси ҳам унинг мазмунидан келиб чиқади.

Ёзувчи ҳаёт материални ўз дунёқарашига, ўз манфаатларига мувофиқ танлагани учун унинг шу воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабати ва уларни тасвирлашдаги нуқтаи назари адабий асарнинг ғоявий мазмунини, яъни ёзувчининг бадиий умумлашмалари асосидаги етакчи фикрини, воқеликка берган ғоявий баҳосини белгилайди. Бу ғоявий мазмун ёзувчи танлаган ҳаётини воқеа ва лавҳалар тасвирида, асарда иштирок этадиган образлар хатти-ҳаракати, ўй-фикрлари, кечинмалари ва характерида мужассамлашади, яъни мазмун шаклга эга бўлиб, ўз моҳиятини бутун тўлалиги билан намоён қилади.

Шундай қилиб, адабиётда мазмуннинг шаклга эга бўлиши ғоявий-тематик негизнинг инсон характерида намоён бўлиб, унинг кечинмалари ва хатти-ҳаракатлари орқали ёзувчи қайта ишлаган ҳаётини материални конкретлаштириши ва равшанлаштиришида амалга ошади. Инсон хатти-ҳаракатлари адабий асарда композиция ва сюжетда, унинг ўй-фикрлари, ҳис-туйғулари ва кечинмалари эса асар тилида очилади. Шу заминда асар мазмуни унинг шаклини–ёзувчи тасвирланган ҳаётини манзаралар, характерлар, образ ва персонажлар, сюжет воқеалари, асар композицияси ва тилини белгилайди.

Биобарин, мазмуннинг шаклга ва шаклнинг мазмунга эга бўлиши масаласи адабий асарнинг барча томонларини ўз ичига қамраб олади. Адабий асар қурилишининг шу асосий қонунини чуқур тасаввур этган тақдирдагина, уни анализ қилишнинг принцип ва методларини аниқ белгилаб олишимиз мумкин бўлади.

Ҳар бир адабий асарда бир неча тема ва улар орқали илгари сурилган ғоялар бўлади. Ёзувчи ҳаётни тасвирлаш билан ўзаро боғлиқ бўлган бир неча масалаларни кўтариб чиқади ва уларнинг ҳар бирига ўз баҳосини беради. Масалан, Ш.Рашидов «+удратли тулқин» романида асосан ўзбек халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакат ичкарида кўрсатган қаҳрамонлигини тасвирлар экан, Тўрахонов образида маънавий қуруқ кишилар хусусияти ва характерини ёритади, уларга ўз муносабатини билдиради, шу билан бирга, китобхон эътиборини ҳам шу образлар орқали ифодаланган масалаларга тортади.

Демак, бадиий асарнинг асосий темаси ёзувчининг бирор воқеа-ҳодисани муҳокама қилиш ёки равшанлаштириш учун, бирор характернинг шаклланишини кўрсатиб бериш учун ўз олдида қўйган мақсадларидан, яъни ёзувчи танлаган ва тасвирлаган ҳаётини воқеалар, асарда қўйган ва ёритган масалалари йиғиндисидан иборатдир. Бошқача айтганда, тема нима ҳақидадир ёзиш, нима тўғрисидадир фикр юритишдан иборатдир. Шунинг учун бадиий асарда тема ғоя билан узвий боғлиқ бўлади. Тема тушунчаси асарнинг бутун моҳиятидан келиб чиқади. Бадиий асар темасини одатда воқелик белгилайди.

Тематика кенг маънода маълум бир давр ёзувчилари ижодидаги темалар йиғиндисидан иборатдир.

Тематика тор маънода асардаги асосий темага тобе бўлган бошқа кичик темалар йиғиндисини англатади. Ана шу асосий ва кичик темаларнинг ҳаммаси биргаликда асарнинг ғоявий-тематик бир бутунлигини таъминлайди.

Бадиий асар ғоявий-тематик жиҳатдан кичик бўлақлардан ташкил топишига қарамай, унда бир бутунлик мавжуддир. Асарнинг шундай тузулиши бадиийлик талабидир. Аслида ҳаёт бир-бири билан узвий боғланган, ўзаро таъсир этиб турган ҳодисалардан иборат бўлиб, бу ҳодисаларнинг ҳар бири ўзига нисбатан маълум муносабатда бўлишни тақозо этади. Масалан, «+утлуғ қон» романида қўйилган барча масалалар бир марказга–чоризм ва маҳаллий буржуазияга қарши кўтарилган 1916 йилги халқ озодлик ҳаракатининг ривожланиши масаласига бирлаштирилади ва бу марказий, асосий масала ёзувчи томонидан баҳоланади. Бу баҳода, чоризм ва маҳаллий буржуазияга қарши олиб борган курашида меҳнаткаш омма албатта ғалаба қозонади, деган ғоя ўз ифодасини топган.

Демак, ёзувчининг асарда тасвирланган асосий ҳаётий воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги ҳукми-етакчи фикри асарнинг асосий ғояси ҳисобланади. Бинобарин, ёзувчи турмушга, ҳаётий ҳодисаларга қандай муносабатда бўлса, уларни шу хилда тасвирлаб, китобхонларда ҳам ўзи тасвирлаган воқеа-ҳодисаларга ана шундай муносабат туғдиради. Шунинг учун асосий ғоя ҳам, асосий тема каби асардаги образларда, уларнинг хатти-ҳаракатида мужассамлашган ва воқеа-ҳодисаларда ифодаланган ғоялардан ташкил топади ҳамда ёзувчининг шу образ ва ҳодисаларга, яъни ҳаётга бўлган муносабатини англатади. Демак, ғоя билан тема узвий бирликда мавжуддир. Тема ва ғоя муносабати асарнинг ғоявий-тематик бирлигини таъминлайди. Ғоя ижодий иш жараёнида юзага келади, у асарда конкрет материалида ифодаланади. Шунга кўра, асарнинг ғоявий-тематик моҳияти образларни ва ҳодисаларни анализ қилиш орқали аниқланади.

Образ санъат ва адабиётнинг образлар воситасида воқеликни акс эттириш ҳақидаги асосий тушунчасидир. Адабиёт ва санъат воқеликни образлар воситасида акс эттирар экан, ҳар бир асарда тасвирланган нарса, предмет ёки иштирок этувчи шахслар кенг маънода **образ** дейилади. Аммо образ термини санъат ва адабиётда биров чегараланган маънода-фақат инсонга нисбатан қўлланилади. Чунки объектив ҳаётдаги ҳамма нарса инсон измида экан, демак, адабиёт ва санъатда ҳам инсон образи етакчилик қилади. Образ термини худди шу маънода образлилик тушунчасининг энг муҳим ўзак қисмини ташкил этади. Шунга кўра, адабиётда ишлатиладиган **қахрамон, адабий тип, образ-характер, образ-персонаж** каби терминлар синоним тушунчалар бўлиб, уларнинг барчаси кишиларнинг жамият ва табиат билан боғлиқ ҳолдаги бадиий тасвиридан иборатдир.

Инсон характери ва унинг ижтимоий қарашлари эпик, драматик, лирик-эпик асарларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бу асарларда пейзаж ва буюм образи, лирик мотивлар, яъни кенг маънодаги образлар муҳим аҳамиятга эга бўлса ҳам, улар асосий мақсадга-инсон фаолиятини ва унинг ҳаётга бўлган муносабатини ўрганишга хизмат қилади. Пейзаж ва буюм образи айрим асарларнинг асосий мазмунини ташкил этиши мумкин. Аммо уларда ҳам, асосан, инсон кўзга ташланади: ёзувчи пейзаж ва буюм образида

кишиларнинг, маълум даврдаги социал гуруҳнинг дунёқараши ва ҳис-туйғуларини акс эттиради.

Демак, адабиёт ва саънатда инсон образи бўлмаганда эди, қолган барча нарсалар (кенг маънодаги образлар) маъносиз ва моҳиятсиз бўлиб қолар эди. Шу тарзда конкрет инсонга нисбатан қўлланилган образ терминини шундай таърифлаш мумкин: ёзувчининг ҳаётий кузатишлари асосида шаклланган, унинг бадий тўқимасида акс этган, маълум ғояни ташувчи инсон ҳаётининг конкрет ва айна пайтда умумлашган тасвири образ деб аталади.

Образ асарда тутган ўрни ва вазифасига кўра, адабиётда **персонаж, бош образ, иккинчи даражали образ, характер, тип** каби терминлар билан ифодаланади. Чунончи, **персонаж** бадий асарда иштирок этувчи шахслар жамини англатади. Агар персонаж асар воқеалари марказида туриб, сюжет воқеаларини ҳаракатга келтирса, асар конфликтининг ҳал этилишида етакчи роль ўйнаса, ёзувчининг ғоясини ифодаласа, у асарнинг **бош образи** саналади. Персонаж асар марказида турмаса ҳам, бирор жиҳати билан ёзувчи ғоясини ифодалашга, уни тўлдиришга хизмат қилса, у иккинчи даражали образ ҳисобланади.

Образ тушунчаси характер тушунчаси билан боғлиқ бўлади. Лекин образ характерга нисбатан кенг тушунча бўлиб, **характер** образнинг мукамаллашган, турли хусусиятлари аниқ кўриниб тўрган, индивидуал хусусиятлари кашф этилган образдир. Ҳар қандай образ характер бўла олмайди, лекин ҳар қандай характер образ саналади. Характернинг ғоят мукамаллашган кўриниши эса, яъни характерга хос хусусиятларни бутун тўлалиги билан акс эттирувчи индивидуаллаштирилган шахс образи **тип** дейилади. Шунинг учун бадий тип ҳамма вақт, ҳамма шароитда ўз мукамаллигини сақлайди.

Шундай қилиб, образ адабий асарда ёзувчининг турмуш тажрибалари ва инсон характери устида олиб борган кузатишларини, кишиларга бўлган муносабати, фикр ва қарашларини бадий ифодалашнинг ўзига хос усулидир. Ёзувчи инсон характерини акс эттиради, типик характерларни типик шароитларда яратади, маълум давр ва социал гуруҳ учун характерли бўлган воқеаларни индивидуаллаштирилган типик образлар орқали ёритади. Шу тарзда адабий асарда типикликни ифодалайди. Демак, адабий асарда **типиклик** тушунчаси турли тарихий даврларда ҳаётий воқеалар, маълум кишилар гуруҳи учун характерли хусусиятларни ёрқин ифодаловчи нарса, ҳодиса ёки шахсни англатади.

Бадий асардаги қисмлар, образлар ва бадий воситаларнинг муайян ғоявий мақсадга хизмат қиладиган тартибда жойлашиши, уларнинг тасвирдаги мезони ва мувофиқлиги **композиция** деб аталади. Композиция асосий бадий воситалардан бири бўлиб, у ёзувчининг ғоявий мақсади асосида танланган ҳаётий воқеа-ҳодисаларни тасвирлашга, персонажларнинг ўзаро алоқа ва муносабатларини изчил баён этишга хизмат қиладди. Агар асарда ёзувчи мақсади, ғоявий позицияси изчил ва аниқ бўлмаса, композицияси мукамал

чикмайди. Шунинг учун бадий асардаги ҳар бир деталь, эпизод ёки восита доим бирор нарсага хизмат қилади, бир-бири билан узвий боғланган бўлади. Айниқса, асар композициясида материалларнинг изчиллик билан жойлаштирилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Материалларнинг жойлаштирилишини билиш эса ёзувчининг бадий маҳоратини билишга ёрдам беради. Бадий асарда материалларнинг изчиллик билан тартибли жойлаштирилишидан ташқари, уларнинг ҳажмига ҳам аҳамият берилади. Бадий асарда айрим материаллар асосий, айримлари иккинчи даражали планда берилади, баъзи образларнинг ташқи қиёфаси, ўй-фикр ва ҳис-туйғулари, яшаш шароитлари батафсил, баъзилариники эса қисқа ёритилади.

Эпик асарларда материални қисмларга бўлиш принципи муҳим ўрин тутди. Кўпгина эпик асарлар қисмларга, қисмлар эса, ўз навбатида, яна бўлимларга ажралади. Албатта, ёзувчи материални қисм ва бўлимларга бўлишда маълум бир мақсадни кўзда тутди. Асарни қисм ва бўлимларга бўлиш масаласи авторнинг турмуш ҳодисаларини акс эттириш характериға, асарнинг жанр хусусияти ва унда қўйилган проблемаға, ёзувчининг бадий услубига боғлиқдир. Чунончи, «+утлуғ қон» романининг композицияси унинг мазмуниға мос бўлиб, Ойбекнинг юксак бадий маҳорат эғаси эканлиғидан далолат беради. «+утлуғ қон» ўн саккиз бобдан иборат. Ҳар бобнинг ўзи ҳикоя ва эпизодлардан ташкил топган ҳамда ғоявий мазмуни жиҳатидан ўзаро узвий боғланган.

Поэтик, эпик ва драматик асар композицияси бир-биридан фарқ қилади. Алишер Навоӣ «Фарҳод ва Ширин» достонида ўзи яшаган давр-ХV аср ҳаёти лавҳаларини акс эттирар экан, унда халқнинг тинчлик, фаровон турмуш, ободончилик ҳақидаги орзу-умидларини ифодалаш учун дostonни кириш қисмидан ташқари 53 бобға ажратади. Бу боблар бир-бири билан узвий боғланиб, бир бутунликни ташкил этади. Шоир бу бобларда Фарҳод ва Шириннинг бошидан кечирган саргузаштларини, ҳаёти ва эзгу ният йўлида олиб борган курашларини ёритиш билан дostonнинг ғоявий мазмунини очади. Натижада дoston сюжети мураккаб, тематикаси кенг ва мазмуни ранг-баранг асар бўлса ҳам, унинг композицияси асар сюжети қурилишининг изчиллиғини таъминланган.

Шундай қилиб, композиция асар мазмунини энг мукамал тусда реаллаштирувчи шаклий категория бўлиб, ижодий метод, адабий йўналиш, оқим ва уларға хос ижод принциплари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳозирги адабиётға назар ташласак, композиция тушунчаси бир қанча усул ва воситалар ҳисобига бойиди. Масалан, ҳозирги адабий асарлар қурилишида қўлланиладиган автор характеристикаси, ички ва ташқи монолог, диалог, хотира, лирик чекиниш, руҳий изтироб, туш кўриш, ўз-ўзини баҳолаш каби усуллар шулар жумласидандир.

Бадий асарларнинг бевосита мазмунини ташкил этган, ўзаро боғланган ва ривожланиб борувчи ҳаётий воқеалар системаси **сюжет** деб аталади. Сюжет характер билан узвий боғлиқ бўлиб, бадий ижодда муҳим ўрин тутди.

Сюжет бадиий ижоднинг барча тур ва жанрларида мавжуд. Сюжет характер билан воқеалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Ҳақиқатдан, сюжет персонажлар ҳаракати туфайли шаклланади. Шеърӣ асарда, айниқса, кичик шеърӣ асарда сюжет прозаик асарга қараганда яширинроқ бўлади.

Сюжет экспозиция, тугун, воқеалар ривожӣ, кульминация ва ечим каби элементлардан ташкил топади. Буларнинг ҳаммаси бадиий асар сюжетининг таркибий қисмлари бўлиб, асар композициясида муҳим роль ўйнайди.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар.

1. Бадиий асардаги мазмун ва шакл бирлигини қандай тушунасиз? Асар мазмунининг шаклда намоён бўлишига қандай ифода усуллари хизмат қилади?
2. Портрет термини нимани англатади? Абдулла +одирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги Раъно образининг ташқи кўриниши тасвирини ўқинг. Бу тасвир нимага хизмат қилганини айтинг.
3. Композиция нима? У бадиий асарда қандай аҳамиятга эга? Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» асари драма сифатида қандай композицион қурилишга эга?
4. Бадиий асарнинг сюжети деганда нимани англайсиз? Сюжетнинг таркибий қисмларини ва уларнинг асар композициясида тутган ўрнини «+утлуғ кон» романи мисолида тушунтириб беринг.
5. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг сюжет чизиқлари ҳақида гапириб беринг. Ундаги ҳар бир эпизоднинг қайси сюжет элементи орқали очилганини тушунтиринг. Достоннинг ғояси нимадан иборат ва у қайси эпизодда яққолроқ очилган?

Мавзу юзасидан берилган айрим сўзлар учун изоҳли лугат.

1. Сюжет – французча «предмет» сўзидан олинган.
2. Композиция – лотинча тузиб чиқиш, тартибга солиш.
3. Тугун – бадиий асарда воқеанинг бошланиши.
4. Экспозиция-воқеалар юз берувчи ўрин-жой, асар қаҳрамонларининг характерини шакллантирувчи ижтимоий муҳит ва шарт-шароит кабилар тасвири; бадиий асарда воқеа ва қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятларнинг, асосий воқеанинг бошланиши;
5. **Кульминация**–бадиий асардаги воқеалар ривожининг энг олий нуқтаси, иш-ҳаракат ва курашнинг ғоят кескинлашган ўрни;

6. **Ечим**-бадий асар асосида ётган конфликтнинг ҳал этилиши, воқеа тугунининг ечими, воқеалар хотимаси.

АДАБИЁТЛАР:

1. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т. «Ўқитувчи» 1980 йил. 195-220 бетлар.
2. Адабиёт назарияси дастури. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Т., 1999 йил.
3. Коллектив «Адабиёт назарияси». 2-томлик. Т., Фан. 1978-1979 йил.
4. Коллектив «Адабий турлар ва жанрлар». 2-том. Т., Фан. 1991-1992 йил.

5-мавзу. Адабий турлар ва жанрлар.

Режа:

1. Эпик тур жанрлари.
2. Лирик тур жанрлари.
3. Драматик тур жанрлари.

Маъруза матн бўйича таянч сўз ва иборалар.

Бадиий асарнинг учта турга бўлиниши: эпик, лирик, драматик. Эпик тур– катта, ўрта, кичик турларга бўлиниши. Лирик тур–энг қадимги халқ кўшиқлари. Драматик тур–драма, комедия, трагедия.

Адабий асар бирор тарихий воқеа, воқеани танлаб олиш принципи, воқеага бўлган муносабат, яъни маълум дунёқараш ва ижодий методнинг ифодасидир. Шунинг учун ҳам, адабий асарни ўрганишда, юқорида кўриб ўтганимиздек, мазмун ва шаклнинг барча томонлари, ғоявий-тематик асослар, характерлар доираси, асар сюжети ва композицион қурилиши, тили ва ўтмиш адабий анъаналар билан алоқадорлиги аниқланади. Адабий асар жамият ва ёзувчи ҳаётидаги маълум даврнинг инъикоси ҳисобланади. Адабиёт идеология шаклларида бири сифатида ижтимоий борлиқни, объектив муҳитни акс эттиради. Адабий ижоднинг турли хиллиги унинг тилида ҳам намоён бўлади. Адабий асарлар бир-бирига ўхшаш бўлиши ҳам мумкин. Бу ўхшашлик турли тарихий муҳитнинг ўхшашлиги билан изоҳланади ва бу ўхшашлик композицияда кўринади. Аммо адабий асарларнинг турлари композицион қурилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Чунки **адабий турлар** тасвир принципи, воқеликнинг қамрови ва акс этиш тарзи, образлар характерини очиш имкониятлари билан белгиланади. Чунончи, ҳаётини материални тасвирлаш характери, бадиий асар асосида ётган конфликт ва унинг ҳал этилиши, асарда воқеалар баённинг ким томонидан олиб борилишига қараб, бадиий асарлар уч катта турга бўлинади: 1) эпик асарлар; 2) лирик асарлар; 3) драматик асарлар.

Эпик турда тасвирланаётган воқелик, асарда иштирок этувчи турли персонажлар хатти-ҳаракати, кечинмалари кўпроқ автор ҳикояси орқали кўрсатилади. Лирик турда эса воқелик айрим шахснинг кечинмалари, ўй-фикрлари орқали кўрсатилса, драматик асарларда воқелик бевосита иштирок этувчи конкрет шахсларнинг хатти-ҳаракати, нутқлари орқали очилади.

Бу уч турга мансуб бадиий асарлар ҳам ҳаётини воқеаларни акс эттиришнинг шакл ва усуллари жиҳатидан янада майда хилларга бўлинади. Ана шу хиллар адабиётшунослиқда жанр деб аталади. Демак, адабий жанр

бадий асарларнинг ўзига хос композицион қурилишига, бадий тасвир принципларига, воситалари ва усулларига, ўзига хос баён усуллари ва ҳаётий қамров имкониятларига кўра туркумларидир. Масалан, эпик тур роман, повесть ҳикоя, дoston каби жанрларга бўлинади. Ҳар бир жанр ҳам тасвирланган воқеаларнинг характери, мавзуси, тасвир усули ва принципларига қараб яна майда туркумларга бўлинади. Бундай жанр хиллари шартли равишда жанрнинг ички туркумлари деб аталади. Масалан, роман жанрининг тасвирланаётган воқеалар хронологиясига кўра, тарихий роман, замонавий роман, мавзусига кўра ишқий роман, маиший роман, фантастик роман ва ҳоказо туркумлари мавжуд бўлиб, булар роман жанрининг ички бўлинишини кўрсатади. Бу ички туркумлар ўзлари мансуб бўлган жанр хусусиятларини акс эттирганидек, адабий жанрлар ҳам ўзи мансуб бўлган адабий тур хусусиятларини акс эттиради.

Турли ёзувчиларнинг бир хил жанрдаги асарларига ташласангиз, улар ўртасида ўхшашлик йўқлигини кўрасиз. Улар ғояси, материали, характери, сюжети, тили жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Садриддин Айнийнинг «+уллар романи билан Ойбекнинг «+утлуғ қон» романи ана шу жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Эпос ҳозирги вақтда тор ва кенг маъноларда ишлатилади. Чунончи, эпос тор маънода оғзаки яратилган ва бирор чолғу асбоби жўрлигида ижро этиладиган, халқнинг қахрамонона ўтмиши ва орзу-умидларини ифодаловчи эпик асарларни англатади. (Масалан, ўзбек халқ дostonлари, рус билиналари, украин думалари каби.)

Кенг маънода эпос воқебанд бадий асар бўлиб, у қадимда қабила ёки уруғнинг маиший ҳаётини ҳикоя қилувчи оғзаки ва ёзма шаклдаги асарни англатган. Бу асарлар аста-секин тараққий этиб, шеърӣй ва насрий йўлда ёзилган мукамал бадий асарларга айландилар. Бу жараёнда эпик асарлар такомиллашиб, турли композицион восита ва усулларга эга бўлади, ўзига хос бадий тил хусусиятларини касб этади. Эпос дастлаб воқеликни ўз ҳолича объектив воқелик баёни автор томонидан, ёки шартли ҳикоя қилувчи томонидан, ёхуд асар персонажи тилидан олиб бориладиган бўди. Эпосда баён шакли ва усуллари ҳам бойиди. Эпос воқеликни акс эттиришда, инсон руҳий оламини чуқур ва ҳар тарафлама ёритишда чексиз имкониятларга эга бўлди. Агар лирикада воқелик лирик қахрамон, бирор шахс ёки ижодкорнинг ҳис-ҳаяжони, руҳий кечинмалари орқали акс этса, эпосда воқелик ижодкор идеали, дунёқараши доирасида объектив тасвирланади. Шу жиҳатдан эпос бадий адабиётнинг ҳикоявий бир турини–эпик турини англатади. Чунки эпик турга мансуб намуналарда, яъни эпик тур жанрларида воқеалар баёни етакчи ўринни эгаллайди. Эпик образ ривожланиш ва индивидуаллик хусусиятига эга бўлади, у тугалланган (бошланиши ва тугалланмаси бўлган) ва ҳаётий жараёндаги характерли хусусиятни ўзида акс эттирган образ ҳисобланади. Ҳаётий жараёни, инсон характерини тасвирлаш хусусиятига, шакли ва қамраб олган воқеалари мазмунига кўра, эпик тур намуналари уч гуруҳга бўлинади:

А) катта эпик тур - эпос, роман, эпопея;

Б) ўрта эпик тур - қисса;

В) кичик эпик тур—хикоя, новелла, бадий очерк, латифа кабилар.

Эпик тур намуналари унга мансуб жанрлар системасидан иборат бўлиб, бу жанрлар, юқорида кўрсатганимиздек, яна бир қанча ички туркумларга ҳам эгадирлар.

Хикоя эпик турга мансуб кичик ҳажмли жанр бўлиб, у ўзига хос имконият ва ҳаётий қамровга эгадир. Хикояда тасвирланган воқеа ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан эпик турнинг роман, повесть каби жанрларидан фарқланмаса ҳам, бироқ тасвирнинг кўлами. Сюжет ва композициянинг нисбатан соддалиги, баённинг асосан бир шахс томонидан олиб борилишиб жиҳатидан фарқланиб туради. Хикоя кўпроқ прозаик тузилишга эга бўлса ҳам, айрим ҳолларда шеърий шаклда ҳам яратилади.

Хикояда инсон ва унинг ҳаёти учун характерли бўлган эпизодгина кўрсатилади. Унда инсон ҳаётидаги айрим ҳодиса, бу ҳодисанинг юзага келиши хикоя қилинади. Шу тарзда айрим ҳодисагина баён қилиниши сабабли, унда кам персонаж қатнашади, ҳажми ҳам кичик бўлади. Хикоянинг сюжети асосини ташкил этган ҳодисанинг тугуни, кульминацияси, ечими бўлади.

Ўзбек хикоясининг энг яхши намуналари А.+одирий, А.+аҳҳор, Ҳ.Шамс, Ғ.Ғулом, О.Ёқубов, С.Аҳмад каби ёзувчилар томонидан яратилган.

Адабиётшуносликда нисбатан кичикроқ ҳажмга ва озроқ персонажларга эга бўлган хикоялар новелла деб аталади. Новелла кутилмаган яқунга эга бўлиши билан хикоядан фарқ қилади.

Повесть (қисса) ўрта ҳажмли насрий эпик жанр бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳаётий материални кенглиги ҳамда сюжет ва композициясининг ҳам романга нисбатан содда, хикояга нисбатан мураккаблигидан иборат. Шунинг учун повестда бирор шахс ҳаётининг маълум даври хроникал баён этилади. Повестда асосий персонажнинг ҳаёт йўли билан боғлиқ бўлган бир неча эпизодлар тасвирланади. Шу сабабдан повесть ҳажм жиҳатдан хикоядан катта бўлади, унда кўп персонажлар иштирок этади. Повестда воқеанинг тугуни, кульминацияси, ечими бўлади, воқеа ривожи кўрсатилади, асосий қаҳрамон билан ўзаро алоқада бўлган персонажлар ҳам кенг равишда тасвирланади.

Ғ.Ғуломнинг «Шум бола», С.Айнийнинг «Одина», Ойбекнинг «Болалик», А.+аҳҳорнинг «Синчалак», А.Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат» каби асарлари ҳозирги адабиётимиздаги повесть жанрининг ажойиб намуналаридир.

Роман янги давр адабиётидаги катта ҳажмли эпик асар бўлиб, унинг асосий хусусиятлари инсон ҳаётини бутун мураккаблиги билан ҳар томонлама ва тўлиқ тасвирлаш, иштирок этувчи шахслар тақдирини акс эттирувчи кўп планли сюжетга эга бўлиш, мураккаб турмуш жараёнлари ва ҳаёт ҳодисаларини ўсиш-ўзгаришда тасвирлашдан иборатдир. Шунинг учун

романда бир неча давр ва кўплаб персонажлар тасвирланади, инсон мураккаб ҳаётий қарама-қаршиликларда, бошқалар билан ўзаро муносабатда ифодаланади, воқеа-ҳодисалар кенг камровли бўлади.

Роман йирик эпик асар сифатида инсон ва жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олар экан, баъзан бир роман персонажлари бошқа романларда ҳам иштирок этади; шу хилда икки романдан иборат асарлар **диалогия**, уч романдан иборат асарлар **трилогия**, учтадан ортиқ романлар йиғиндиси эса **романлар цикли** деб аталади. Роман жуда мураккаб ва бой ҳаётий материални ёритиб, бутун бир даврни ўз ичига олса **роман-эпопея** дейилади. Масалан, С. Айнийнинг «+уллар», Ойбекнинг «Навоий» романлари шундай эпопеялар намунаси.

Лирика бадиий адабиётдаги уч асосий турдан бири бўлиб, эпик ва драматик турлардан фарқли ўлароқ, мазкур турда воқелик шахснинг ҳис-туйғулари, кечинмалари, идроки орқали акс этади. Шеъринг шакл лириканинг характерли хусусияти бўлиб, у кишининг ҳис-туйғуга тўла ҳаяжонли нутқини таъсирлироқ ифодалашга қўл келади. Шеъринг шакл лирикада оҳангдорлик ва муסיқийликни вужудга келтиради.

Воқеликнинг муайян шахс (субъект) қалбининг призмаси орқали акс этиши лирика қиёфасини белгиловчи муҳим хусусиятдир. Ана шу белгиловчи хусусият лирикада жуда кўп масалаларни ўзига хос шаклда ҳал этишни тақозо қилади. Чунончи, лирик асар, одатда, кичик ҳажмли бўлишига қарамай, турмушни бадиий, образли акс эттиришнинг барча хусусият ва белгиларига эга бўлади. Лирикада ҳам воқелик қарама-қарши тенденциялар кураши орқали акс этади. Бироқ бу қарама-қаршилик эпосдагидек, персонажлар ҳаракати орқали эмас, балки туйғулар зиддияти, курашлар орқали акс этади. Демак, эпос ва драмада воқеалар диалектикаси, лирикада кечинмалар диалектикаси етакчилик қилади. Мана шу кечинмалар диалектикаси лирик конфликтдан иборат бўлиб, унинг асосини эскилик ва янгилик, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуқлик, олижаноблик ва пасткашлик ташкил этади. Шу тарзда лирик асарда ҳам конкрет индивидуал кечинмалар ифодаланади, бу ҳолат лирикада бадиий умумлаштиришни вужудга келтиради, бадиий фантазияни туғдиради. Воқеликни илғор ижтимоий идеаллар нури билан ёритадиган бу индивидуаллаштирилган кечинмалар эса лирик асарнинг тарбиявий аҳамиятини белгилайди.

Лирика бадиий адабиётнинг қадимий турларидан бўлгани учун унга мансуб бўлган жанрлар турлича аталиб келинган. Чунки лирика ҳаётни актив тарзда акс эттиради, бу активлик унинг асосида ётувчи ҳаётининг мазмунининг тез ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида жанрларнинг шаклий белгиларига ҳам таъсир этади. +адимги адабиётшунослар лирик жанрларни мазмуни ва шакли жиҳатидан қатъий чегаралашга интиланганлар. Шунинг учун ҳам Ғарб ва Шарқ адабиётларида ўзига хос лирик жанрлар юзага келган. Масалан, Ғарб адабиётида (кейин рус адабиётида ҳам) бирор шахсга дўстлик ёки ишқий маънода бағишланган лирик асарлар—**бағишлов**, каттароқ воқеа ва тарихий

шахсга бағишланган тантанали лирик шеърлар – **ода**, кинояли шеърлар–**эпиграмма**, қишлоқ ҳаёти ҳақидаги шеърлар–**эклога**, бирор шахснинг ўлими муносабати билан ёзилган шеърлар–**эпитафия**, ғамгин шеърлар–**элегия** ва ҳоказо жанрларга бўлинган. Шарқ классик лирикаси, жумладан, ўзбек классик лирикаси **ғазал**, **рубойй**, **мураббаъ**, **мухаммас**, **мусаддас**, **мусамман**, **қитъа**, **туюқ** ва ҳоказо жанрларга бўлинган. Бу жанрларнинг аксарияти ҳозир ҳам шеърятда қўлланилмоқда. Халқ лирикасида эса лирик жанрлар у ёки бу халқнинг урф-одати, бадий асарнинг ижро этилиш ўрни, вазияти ва мавсумига қараб: **меҳнат қўшиқлари**, **мавсум ва маросим қўшиқлари** каби туркумларга ажралади.

Ҳозир лирик турга мансуб асарлар ўзларининг асосий мазмунига кўра: **сиёсий лирика ёки гражданлик лирикаси**, **фалсафий лирика**, **ишқий (интим) лирика**, **пейзаж лирикаси**, **ҳажвий лирика** каби жанрларга ажралади.

Ғазал аруз шеърий системасида уч байтдан ўн тўққиз байтгача ҳажмда ёзилган, Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек классик адабиётида кенг тарқалган лирик жанрдир. Ғазалдаги ҳар бир жуфт мисра **байт** дейилади. Ғазал дастлаб ишқий мавзуда ёзилган бўлса ҳам, кейинчалик унинг тематик доираси кенгая борди: ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий ғазаллар ҳамда ҳажвий ғазаллар юзага келди. Чунончи, Навоий, Турди, Махмур, Муқимий каби шоирлар ижодида ишқ, вафо ва садоқат тараннум этилган ғазаллардан тортиб, жамиятдаги айрим шахсларнинг ярамас иллатларини фош этувчи ғазалларгача учрайди.

Ғазалнинг биринчи байти ўзаро қофияланиб, кейинги барча жуфт мисралар унга қофиядош бўлади, тоқ мисралар эса очик қолади (а-а, б-а, в-а каби).

Рубойй шарқ поэзиясида кенг тарқалган, чуқур фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ишқий ва ахлоқий фикрларни бадий равишда ифодалайдиган тўрт мисрадан иборат лирик турга мансуб мустақил жанрдир. Демак, рубойй халқ шеъриятидаги тўртликлардан шаклий асос олган бўлиб, ўз темаси ва ғоясига, барқарор жанр хусусиятларига, кичик шеърий шаклга эга бўлган мустақил ва мукамал асардир.

Рубоййнинг қофияланиш системаси икки хил бўлиб, одатда, унинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралари қофияланиб келади, яъни у а-а-б-а тартибида қофияланади.

Туюқ - ўзбек ва бошқа туркий халқлар классик поэзиясида омоним сўзлар билан қофияланган тўрт мисрадан иборат лирик шеър. Туюқ арузнинг фақат рамали мусаддаси мақсур (фоилотун фоилотун фоилун) вазнида яратилиб, а-а-б-а шаклида қофияланади.

+итъа–шарқ халқлари классик поэзиясида кенг тарқалган, икки ёки ундан ортиқ жуфт мисралари ўзаро қофияланган байтлардан иборат, мавзу доираси кенг, вазн имкониятлари чегараланмаган лирик жанр. +итъа турли темаларда–илм-хунар, ахлоқ-одоб, ишқ-муҳаббат темаларида ёзилади. У кўпинча икки байтдан иборат бўлса ҳам, ҳажм жиҳатидан чегараланмайди. +итъада жуфт (2-

4-б) мисралар қофияланиб, тоқ мисралар очик қолади. +итъа жанри икки хил йўл билан яратилади: 1) мустақил асар сифатида; 2) қасида, ғазал жанрининг таркибидан бирор парчани ажратиб олиш орқали юзага келади. Биринчисида қитъа шоирда тўсатдан пайдо бўлган ҳис-ҳаяжон ва поэтик фикрнинг бадиҳа тарзида яратилиб, янада ривожлантирилиб, тугал поэтик хулосаланиб, қасида ёки ғазал ҳолига келтирилади. Баъзан шу ҳолича ҳам қолиши мумкин. Иккинчисида қитъа қасида ёки ғазал таркибидаги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан теран, дидактик жиҳатдан бақувват, ибратомуз байтларнинг ажратиб олиниши натижасида юзага келади.

Фард–классик лириканинг энг кичик жанри бўлиб, бир байтдан иборат мустақил шеърдир. Фарднинг ҳар икки мисраси қофияланиб келади. Фардда кўпинча ибратомуз ҳикматли фикр, баъзан шоирнинг ички кечинмаси ихчам ва таъсирли ифодаланади. Фард ҳам ахлоқ-одоб, панд-насихат темаларида ёзилади.

Маснавий–ҳар бир банди икки мисрадан иборат шеър шаклларида бири бўлиб, у а-а, б-б, в-в, г-г... тарзида қофияланади. Классик адабиётда сюжетли кичик шеърий асарлар ҳам, дostonлар ҳам маснавий деб юритилган.

Мурабба–ўзаро қофияланган бир неча тўртлик шаклидаги бандлардан ташкил топган лирик шеърий шакллардан бири. У қофияланиш тартибига кўра, бошқа шеър турларидан фарқ қилади: у а-а-а-а б-б-б-а, в-в-в-а шаклида қофияланган бўлиб, асар охирида шоир ўз тахаллусини келтиради. Ўзбек адабиёти тарихида мурабба Машраб, Огаҳий, Муқимий каби шоирлар ижодида мавжуд.

Мусаддас классик адабиётдаги лирик турга мнсу шеър шаклларида бўлиб, унинг ҳар бир банди олти мисрадан таркиб топади. Мусаддас ўзининг қофияланиш шаклига кўра икки хил бўлади: 1) биринчи банднинг барча мисраси бир хилда қофияланади. Кейинги бандларнинг беш мисраси алоҳида қофияланиб, олтинчи мисраси биринчи бандга қофиядош бўлиб келади, яъни а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-а каби; 2) биринчи банддан кейинги бандларнинг тўрт мисраси бир хилда қофияланиб, бешинчи ва олтинчи мисралари биринчи бандга қофиядош бўлади, яъни а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-а-а каби.

Мустазод классик шеърий шакллардан бири бўлиб, асосан, ғазал шаклида (а-а, б-а, в-а каби) қофияланади. Бироқ ўзининг мисра тузилиши жиҳатидан ғазалдан фарқи қилади, чунки ҳар бир мисрадан кейин кўшимча кичик мисралар ҳам бўлади ва улар ҳам ғазал тартибида бутун мустазод давомида мустақил қофияланиб келади. +исқа мисралар, одатда, ўзи эргашиб келган мисрадаги фикрни тасдиқлайди, таъкидлайди ва хулосалайди.

Мухаммас классик поэзиядаги лирик шеър шаклларида бири бўлиб, у беш мисрадан тузилган бир неча банддан ташкил топади. Унинг биринчи бандидаги мисраларининг ҳаммаси ўзаро бир хил қофияланади, кейинги бандларининг тўрт мисраси эса алоҳида, бешинчи мисралари эса дастлабки

банднинг бешинчи мисраси билан қофияланади, яъни унинг қофияланиш тартиби а-а-а-а-а, б-б-б-б-а, в-в-в-в-а шаклида бўлади.

Драматик тур уч асосий адабий турнинг бири бўлиб, у комедия, драма, трагедия каби жанрларга бўлинади. Драманинг адабий тур сифатидаги ўзига хос хусусиятларидан бири унинг сахнада ижро этилиши ҳисобланади.

Драматик асар қаҳрамонлари ўзларини фақат ҳаракатда намоиш қиладилар, уларнинг нутқи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, қаҳрамонлар ҳаракати билан бевосита боғланади. Драматик асарларда интонация, пауза ва овознинг баланд-пастлиги катта аҳамиятга эга бўлиб, нутқнинг ўзига хос бу хусусияти сахнада янада аниқроқ кўринади.

Трагедия (фожиа) драматик турга мансуб жанрлардан бири бўлиб, унинг асосида келиштириб бўлмайдиган зиддият ётади ва охирида воқеа фожиа билан тугайди. Трагедия ўз асосидаги конфликтнинг характери ва характерларнинг ўзига хослиги билан драма ва комедиядан ажралиб туради. Трагедиядаги конфликт жуда ҳам шиддатли, кескин бўлиши билан бирга, у ҳамма вақт ижтимоий-сиёсий тараққиёт, инсониятнинг етук маънавий ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ҳал этилади. Шунинг учун ҳам трагедияда инсон маиший ҳаётининг, тарихий тараққиётнинг муҳим масалалари фалсафий тарзда кескин ҳал этилади.

Трагедия дараматик турга мансуб жанр сифатида жуда узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтиб, ҳозир ҳам адабиётимизда яшаб келаётир.

Комедия драматик турга мансуб жанрлардан бири бўлиб, бунда воқеа-ҳодисалар, характерлар, коллизия кулгили фонда тасвирланади. Комедияда бевосита кулги, комизм ҳаётдаги ярамас иллатлар устидан ҳажв қилиш ёки енгил юморнинг бирдан-бир воситаси бўлиб хизмат қилади. Комедияда ҳам драматик турларга мансуб бошқа жанрлардаги сингари, ижобий ва салбий образлар мавжуд бўлади. Агар комедиядаги кулги ўткир заҳарханда, кескин фош этиш характерига эга бўлса, шу кулгига сабаб бўлган характер салбий образ бўлади. Агар кулгига сабаб бўлувчи шахс енгил юмористик кулги кўзғатса, у ижобий қаҳрамон ҳисобланади.

Драма ҳам драматик асар жанрларининг муҳим бир туркуми бўлиб, унда ҳаётини воқеалар мураккаб конфликтлар негизида, персонажлар кураши жараёнида акс эттирилади. Драма ўзига хос мураккабликка эга бўлган жанр бўлиб, унда воқеалар тизмаси ва персонажлар миқдори чекланган бўлса ҳам, қаҳрамон ўз характерини турли томондан намоён қила олади. Чунки драмага кенг эпиклик хос бўлиб, унда қаҳрамоннинг ички дунёси конкретроқ очила боради. Драмада психологик таҳлил жуда ҳам мураккаблашади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар.

1. Эпик тур жанрларини санаб беринг?
2. Лирик турнинг энг қадимги жанри қайси?

3. Алишер Навоий лирик турнинг қайси жанрларида ижод қилган?
4. Драматик тур жанрлари ҳақида сўзлаб беринг?

Мавзу юзасидан берилган айрим сўзлар учун изоҳли лугат.

Эпос – грекча ривоя, ҳикоя, кўшиқ демакдир.

Лирика - қадимги греклардаги музыка асбоби.

Драма – грекча «ҳаракат» демакдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т. «Ўқитувчи» 1980 йил. 229-283 бетлар.
2. Адабиёт назарияси дастури. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Т., 1999 йил.
3. Коллектив «Адабиёт назарияси». 2-томлик. Т., Фан. 1978-1979 йил.
4. Коллектив «Адабий турлар ва жанрлар». 2-том. Т., Фан. 1991-1992 йил.

6-мавзу. Ижодий метод ва услуб

Режа:

1. Ижодий метод тушунчаси.
2. Классицизм, романтизм, реализм методларининг хусусиятлари.
3. Метод ва услуб бирлиги.
4. Шарқ адабиётшунослигида услуб масаласи.

Маъруза матн бўйича таянч сўз ва иборалар.

Метод–ёзувчининг ҳаёт фактларини танлаш, умумлаштириш, баҳолаш, образларда акс этишдир. Ўтмишда–реализм, романтизм методларини бўлганлиги. Социалистик реализм–бу ўтмишни бир ёқлама қараш сифатида келган оқим эканлиги. Бунинг зарарли оқибатлари.

Адабиёт ва санъатнинг бирор тараққиёт босқичида бадиий ижодга хос бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган бир қанча барқарор хусусиятларнинг асосий восита ва принциплари бўлади. Чунончи, биз бир ёзувчига мансуб бўлган бир неча асарни ўрганиб, уларни бир-бирига таққослаб кўрсак, илгари сурилган ғоялар ва турмуш воқеалари талқинида, характер ва ходисалар тасвирида, ёзувчи нутқи ва баён этиш воситасида ўхшашлик борлигини кўрамиз. Бу ўхшашлик ёзувчи услубининг, яъни унинг ижодига хос ғоявий-бадиий хусусиятлар (ғоявий позиция, характер ва сюжетлар, ўзига хос тил)нинг асосини ташкил этади. Ёзувчининг услуги эса унинг индивидуаллиги, истеъдоди, турмуш тажрибаси, дунёқараши, нутқининг ўзига хослиги билан узвий боғлиқ бўлади. Аммо услуб тушунчаси асардаги такрорланишнинг барча томонларини қамраб олмайди. Чунки ёзувчилар ижодида умумий такрорланиш ҳам мавжуддир. Турли тарихий давр ва турли мамлакат ёзувчилари ижодини ўзаро яқинлаштирувчи бадиий хусусиятнинг ўхшашлиги бадиий метод ёрдамида аниқланади. Бадиий метод ижодкорнинг воқеликка муносабати, ўзи танлаган ҳаётини воқеликни акс эттирувчи бадиий воситаларни қўллашдаги асосий ижодий принциплари (масалан, романтизм, реализм каби)дан иборатдир. Демак, бадиий метод борлиқ ходисаларини танлаш, умумлаштириш ва баҳолаш принциpidир.

Маълумки, ҳаёт мунтазам равишда ўзгариб, янгиланиб туради. Бу эса санъатдан ҳам ўз характерини ўзгартириб боришни, объектив ҳаётни конкрет образларда акс эттиришни талаб этади. Бу эстетик талабдир, яъни мавжуд тарихий шароитда эстетик нормалар асосида турмушни акс эттириш демакдир. Ҳаётни қайта тиклаш турмушнинг эски шакллари ўрнига юзага

келган янгиликларни акс эттиргандагина тўғри, ҳаққоний бўлади. Реализм ва романтизм тушунчаларида ҳаётни образли акс эттиришнинг ана шу хусусияти мужассамлашган.

Бадиий методда субъективлик билан бирга, объективлик хусусияти ҳам бор. Санъаткорни ўраб олган кишилар типи, улар ўртасидаги ижтимоий конфликтлар, ўзаро муносабат-ларидаги сўзлашув формалари–буларнинг ҳаммаси ёзувчига эмас, балки даврга боғлиқ бўлган ҳодисалардир. Ёзувчи ҳаётнинг фактлар, ҳодисалардан муҳимларини танлаб олади, уларни ғоявий томондан ёритади. Лекин шунга қарамай, унинг ижоди асосан у яшаётган даврдаги ҳаётнинг жараён билан боғлиқ бўлади.

Адабий метод санъатда бир гуруҳ ёзувчиларнинг ижодий принципи билан тарихий асос бирлигида, даврдаги асосий масалаларни талқин этишда, яъни идеал, қаҳрамон, ҳаётнинг жараён масалаларини ҳал этишда юзага келади. Шу маънода метод тушунчаси адабий йўналиш, адабий мактаб тушунчаси билан бирлашади. Чунки адабий йўналиш маълум тарихий даврда ўз идеологияси ва тажрибаси билан бир-бирига яқин турган бир талай ёзувчилар ижодидаги ғоявий-бадиий хусусиятлар - тема, ғоя, бадиий тасвир принциплари кабилар бирлигидан иборатдир. Адабий йўналишнинг муҳим белгиларидан бири ҳар бир йўналишнинг ўзига хос ғоявий-эстетик принциплари программа тусига кирганлигидадир. Программа тусига кирган ғоявий-эстетик принцип ҳар бир адабий йўналиш вакили ижодида амалга оширилиши шарт. Шу маънода адабий йўналишда ёзувчиларнинг ўзаро бирлиги ўз ифодасини топади. Бусиз адабий йўналиш юзага келмайди.

Адабий йўналиш у ёки бу миллий адабиётда маълум бир даврда юзага келиб, маълум бир даврда йўқолувчи тарихий ҳодиса саналади. Бирор асарнинг тарихий жиҳатдан автор дунёқараши, турмуш тажрибаси, у яшаган даврдаги тарихий муҳит синфий курашлар билан бевосита боғлиқ бўлиши шу тарихий ҳодиса билан изоҳланади. Ижтимоий мавқеи, дунёқараши, ижтимоий курашдаги иштироки жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган ёзувчилар ички бирлик ва тарихий шароитга кўра адабий мактаб сифатида адабий йўналишни юзага келтирадилар. Бу тушунчаларнинг барчаси-асарлар, ёзувчи услуби, адабий оқим-тарихий шароитга боғлиқдир.

Турмушни образли акс эттиришда икки асосий хусусият, биринчидан, индивидуаллаштириш, борлиқни инсоний муносабатлар билан боғлаган ҳолда қайта ишлаб чиқиш ва умумлаштириш, иккинчидан, турмушни маълум ижтимоий идеаллар асосида эстетик англаш ўз ифодасини топади.

Турмушни эстетик англаш борлиқни қайта яратиш, ижтимоий идеалларга зид бўлган ҳодисаларга қарши курашиш, борлиқни бадиий фантазия асосида тасаввур этиш, фантазиянинг идеалларга мос бўлиши учун курашишдан иборатдир.

+айта ишлаш билан қайтадан тузиш ўртасидаги бирлик борлиқни образли акс эттиришнинг муҳим белгисидир. Бу бирликнинг асоси санъатда акс

эттирилган реал борлиқдир. Ҳар бир санъат асари борлиқни акс эттириш қонунларини реал тарихий шароитда амалга ошириш демакдир.

Ёзувчининг индивидуаллиги дунёқарашининг кенглиги ва кўп қирралигида, ҳаётда юз бераётган янгиликларни тезлик билан пайқаб олиши ва ёритишида кўринади. Ижоднинг йўналишини, ҳаётини материалларни танлаш ва ёритиш принципини эса у яшаган тарихий давр, муҳит белгилаб беради. Тарихий жараён бадиий методларнинг ички алоқасини ҳам аниқлаб беради. Шу сабабли борлиқни акс эттиришда ёзувчининг у ёки бу методга мурожаат этишини соф субъектив ҳол деб айтиб бўлмайди.

Шундай қилиб, адабий йўналиш бирор тарихий даврдаги ижодий принциплардан иборат бўлиб, у реал адабиёт тараққиёти жараёнида асосий ҳаётини (эстетик идеал, ижобий қаҳрамон, ҳаётини жараён, шу жараённи ҳаракатга келтирувчи куч) масалаларнинг умумий тасвири, талқини ва баҳосида намоён бўлади. Шу билан адабий йўналиш ёзувчининг дунёқарашини у яшаган тарихий муҳит билан боғланади, ўзаро алоқада бўлган адабий оқимлар, гуруҳлар ва мактаблар доирасида ўз бадиий имкониятларига кенг йўл очади. Лекин адабий йўналш адабий оқимга нисбатан кенгрок тушунча бўлиб, у маълум бир тарихий-адабий муҳитда умумида адабий доирада ҳаракат қилади. Адабий оқим эса адабий йўналишга нисбатан торроқ тушунча бўлиб, у бирор умумида адабий доирада ҳаракат қила олмайди. Масалан, классицизм йўналиши XVII-XVIII асрлар Умумевропа адабиётида ҳаракат қилган бўлса, адабий оқим бундай кенг масштабда ҳаракат қила олмайди. Шунингдек, маълум бир давр адабиётида адабий йўналиш битта бўлиб, у шу давр адабий жараёнини маълум бир томонга йўналтириб юборади (масалан, романтизм йўналиши, реалистик йўналиш ва ҳ.к.), маълум бир давр адабиётида бир нечта адабий оқим бўлиши мумкин, лекин улар умумида адабий жараённи бирор томонга йўналтира олмайди. (Масалан, натурализм, сентиментализм, акмеизм, футуризм ва ҳ. к.)

Романтизм, реализм, танқидий реализм адабиёт ва санъатдаги ижодий методлар бўлиб, уларнинг ҳар бири адабий тараққиёт жараёнининг маълум босқичида тарихий-зарурий эҳтиёж натижасида юзага келган, бири иккинчисининг туғилишига замин ҳозирлаган. Шунинг учун бу ижодий методларнинг бир-биридан фарқли белгиларини, ҳар бирига хос хусусиятни билиб олиш бирор тарихий даврда яратилган асарларнинг қандай йўналишда ёзилганлигини аниқлашимизга ёрдам беради.

Ёзувчи ўз даври учун характерли ҳодиса ва ҳаётини фактларни ажратиб олиб, уларни ўз асарида умумлаштириб тасвирлар экан, бу ҳодиса ва фактларга ўз муносабатини билдиради, уларни эстетик жиҳатдан баҳолайди. Ёзувчининг худди ана шу муносабати ва баҳосида унинг қандай тасвирлаш принципидан, яъни қайси ижодий методдан фойдаланганлиги ўз ифодасини топади. Чунинчи, романтизм ҳаётнинг ўзидан кўра кўпроқ турмуш ҳақидаги орзу-умидларни тасвирлаш принципига асосланади. Шунинг учун романтизм методи асосида яратилган асарларда ҳаётини воқеликка нисбатан ижодкор

эркин муносабатда бўлади, яъни тасвирда ҳаётий фактга қараганда бадиий тўқима устунлик қилади, фантазияга, рамзийликка ва муболағага кенг ўрин берилади, юксак характерларни тасвирлаш биринчи планда туради. Романтик асарларда ёзувчи орзу қилган нарсалар идеаллаштириб тасвирланади, шу билан ёзувчиларнинг ўзлари яшаб турган ҳаётдан норозилиги ифодаланади. Шунинг учун бундай асарларда ёзувчи яшаган давр, ижтимоий муносабатлар ифодаланиши билан бирга, асар қаҳрамони ҳукмрон синфга қарши қўйилади.

Романтик ёзувчилар яратган образлар бутунлай ҳаёт ҳақиқатидан узоқ, ундан ажралиб қолмаган бўлсалар ҳам, бироқ бу образлар бевосита ҳаётий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айланган образи бўлмай, балки улар орзу қилган ҳаётнинг инъикосидан иборат.

Романтизм методи асосида яратилган асардаги образлар **романтик образлар** дейилади. Масалан. Алишер Навоий ижодидаги Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун ва бошқа образлар романтик образлар намунаси бўлиб, ёзувчи бу образлар орқали ўзининг илғор, олижаноб орзу-умидларини ифодалаган.

Реализм ёзувидан ҳаётни бадиий образларда бутун тўлалиги билан ҳаққоний ва тўғри тасвирлашни талаб этади. Реализм куртаклари адабиёт ва саънат тарихининг дастлабки босқичларидаёқ мавжуд бўлиб, унинг бутун тарихий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб, турли характер касб этиб келди ва, ниҳоят, ижодий методга айланди.

Реализм ижодий метод сифатида ёзувчига ҳаётий ҳақиқатни тўла ва мукамал тасвирлаш, унинг кенгроқ бадиий умумлаштириш имконини беради. Реализм ижодий метод сифатида конкрет ва тарихий характер касб этади. Чунки у ижтимоий ҳаёт, инсон онгининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда ўсиб, ривожланиб боради, моҳияти ва ижтимоий-эстетик вазифаси кенгаяди. Реалист ёзувчилар жамиятнинг барча ярамас иллатларини шафқатсиз танқид қилдилар. Шунинг учун ҳам XIX аср рус реализм–танқидий реализм деб аталади.

Демак, танқидий реализмнинг асосий хусусияти ҳаётдаги салбий ҳодисаларни чуқур ва ҳаққоний тасвирлашдан иборатдир. Танқидий реализм халқпарварлик, ватанпарварлик ғояларига асосланади. У шу илғор ғоялар позициясидан туриб турмуш ҳодисаларига баҳо беради, меҳнаткаш халқ манфаатларига, ижтимоий ҳаёт тараққиётига, адолатли турмуш учун олиб борилган курашларга ва бу йўлдаги интилишларга тўсқинлик қилган турмуш иллатларини кескин қоралайди, уларни танқид остига олади, фош қилади. Масалан, Муқимийнинг "Танобчилар" ва «Додхоҳим», Аваз Ўтарнинг «Сипоҳиларига» асарларида чоризм даврида маҳаллий ҳокимият идораларида ишловчи амалдорларнинг типик образи (Ҳакимжон, Султон Алихўжа ва бошқалар) яратилди, улар орқали амалдорларнинг ёвуз ниятлари, ифлос кирдикорлари фош этилди, шу йил билан ўша даврдаги ижтимоий тузумнинг туб моҳияти очиб ташланди. Бу–танқидий реализм адабиёти вакилларининг эзилган халққа хайрихоҳлигидан, ёрқин келажакка ишонч билан қарашидан, ҳаётдан ижобий қаҳрамон излашидан далолатдир.

Ўзбек адабиётида реализм тенденция сифатида классик адабиётимизнинг кўпгина намояндалари ижодида мавжуд эди. Масалан, Лутфий, Навоий, Машраб каби шоирлар ижодидаги реализм тенденциялари кейинчалик Турди, Махмур, Гулханийлар ижодида ва, ниҳоят, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар каби демократик адабиётимиз вакиллари ижодида тараққий этади. Чунончи, Муқимийнинг «Ҳапалак қишлоғи тўғрисида», «Танобчилар», Аваз Ўтарнинг «Халқ», «Уламоларга», Завқийнинг «+аҳатчилик» шеърларида ўзлари яшаган давр ҳаётининг реалистик лавҳалари ифодаланган.

Методларнинг ўзаро бирлиги ҳар қайси ёзувчида ўзига хос равишда шахсий истеъдод, Маданий савия ва ҳаётий тажрибага, яъни ижодий услубга қараб юзага келади. Методни компасга ўхшатиш мумкин: у ёзувчи ижодининг йўналишини, шу йўналишда олдингақараб боришини кўрсатади. Метод ёзувчи ижодида индивидуал ҳолда юзага келади. Чунки ёзувчи ҳаётни маълум нуқтаи назардан баҳолайди, ҳаётдан ўз ижоди учун керакли материални ажратиб олади ва уни ўзининг ҳаётий тажрибалари, ўз мулоҳазалари асосида акс эттиради. Ҳаётни акс эттиришдаги услуби орқали унинг бадиий методи аниқланади. Шу замида метод тушунчаси услуб тушунчаси билан узвий боғланади. Шунинг учун ҳам марксча-ленинча таълимот услубни метод билан биргаликда қарашни тақозо этади. Метод фақат конкрет бадиий ижодда кўринади. Биз асарни анализ қилиш билан ёзувчи услуби ҳақида тасаввурга эга бўламиз; турли ёзувчилар услубини ўзаро қиёслаш билан уларни бирлаштирувчи бадиий методни аниқлаймиз.

Демак, услуб ёзувчи ижоди учун характерли бўлган ифодалаш йўлини. ғоявий-бадиий хусусиятлар бирлигини, дунёқарашларнинг умумийлигини англатади. Методнинг ўзгариши услубга, шубҳасиз, ўз таъсирини кўрсатади. Алоҳида олиб қаралган бирор асарнинг услуби ёзувчининг бутун ижодига хос услуб тараққиётининг босқичларидан биридир. Услубнинг қандай бўлиши ёзувчи истеъдодининг йўналишига ҳам боғлиқ. Шу маънода услуб жамият тараққиёти билан ўзгарувчи тарихий ҳодисадир. Чунончи, ёзувчи асар ёзишдан олдин ҳаётни ўрганади, воқеа-ҳодисаларни, одамларни кузатади, материал тўплайди. Ана шу жараёнда унда ғоявий мақсад пайдо бўлади. Бу ғоявий мақсад ёзувчининг дунёқараши билан узвий боғланади. Чунки ёзувчи ҳаётни кузатиш жараёнида ўз дунёқарашига кўра воқеа ва кишилар билан муносабатда бўлади. Уларни ўз онгида қайта ишлашда фактларни саралаб, энг зарурларини танлаб олади, сўнгра ёзишга киришади. Асарда турмуш воқеалари ва кишилар ёзувчининг дунёқараши орқали ўз ифодасини топади. Ёзувчи услуби ҳам мустақиллик касб этади. Ҳар бир ёзувчининг дунёқараши ва услубининг шаклланишида у яшаб, ижод этган муҳит ва шароит билан бирга, унинг адабий меросни ўрганиши, устоз санъаткорлар анъаналарини ижодий ўзлаштириши муҳим роль ўйнайди.

Ёзувчининг услуби кенг маънода адабий фаолият давомида шаклланган ўзига хос индивидуаллик билан бирга шу индивидуалликни таъминланган

ижодий таъсирини ўз ичига олади. Ёзувчининг бадиий услуби шу маънода индивидуаллик билан ижодий таъсирнинг бирлигидан иборатдир.

Ёзувчилар ижодида ғоявий-эстетик позиция жиҳатидан умумийлик бўлса ҳам, бадиий ифодада, образлар системасида, тасвир услубида индивидуаллик мавжуддир. Ойбек услубига хос хусусиятлар унинг портрет ва пейзаж чизишида, тилида яққол сезилиб туради. Масалан, сўзловчининг мақсадини билдиришда таъкидлаш усулини кўпроқ қўллайди: «Бу йигит ақлли кўринади, ҳам улуғвор, вазмин йигит» («+утлуқ қон»); «Содда, одамшаванда, қувноқ қизни Ўктам ниҳоятда ҳурмат қилар эди» («Олтин водийдан шабадалар»); «Яхши одам эди у. Содда, тўғри сўз, инсофли, раҳмдил одам» («Навоий») ва ҳоказо.

Ҳар бир ёзувчи ўзини қизиқтирган ҳаётий воқеаларга эътибор беради ва уларни ўзига хос тарзда акс эттиради. Бир ёзувчини синфлар, кишиларнинг кескин тўқнашуви, иккинчи ёзувчини қаҳрамоннинг ички дунёси, руҳий ҳолати, бошқа бир ёзувчини табиат гўзаллиги қизиқтиради ва уни асариде ифодалайди. Масалан, Ойбекни кўпроқ тарихий тема қизиқтиради, унинг «Темирчи Жўра», «+утлуғ қон», «Навоий», «Болалик», «Улуғ йўл» каби асарларида тарихий воқеалар умумлаштирилган.

Услуб у ёки бу асар ғоясида акс этади. «Асарнинг бош ғояси, асосий ғоявий йўналишига қараб ёзувчи турмуш материалини, образлар системасини, сюжетини, композицияни ва бадиий асарнинг бошқа компонентларини танлайди ва саралайди».

Услуб ёзувчи асарининг жанр хусусиятини ҳам ўз ичига олади. Шундай қилиб, ёзувчи услуби ғоя, тема, тил, композиция, образ ва жанр элементларидан ташкил топади, ёзувчи ўзининг ижодий фаолиятида улардан ўзига хос услубда фойдаланади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар.

1. Бадиий метод деганда нимани тушунаси?
2. Адабий йўналиш принциплари ва унинг ўз ичига қандай масалаларни қамраб олишини гапириб беринг. Адабий йўналиш билан адабий оқимнинг қандай фарқи бор?
3. Романтизм ижодий методи қандай тасвирлаш принципига асосланади? +андай романтик образларни биласиз?
4. Реализмнинг ўзига хос хусусиятлари ва принципларини гапириб беринг. Реализм ва танқидий реализм бир-биридан нима билан фарқ қилади?

Мавзу юзасидан берилган айрим сўзлар учун изоҳли лугат.

Метод–грекча «Тадқиқ қилиш», «Текшириш» сўзидан олинган. Классицизм–XVII-XVIII асрларда Ғарбий Европа ва Россияда вужудга келган оқим.

Романтизм–турмушнинг ўзидан кўра кўпроқ турмуш ҳақидаги орзу ва умидларни тасвирлаш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т. «Ўқитувчи» 1980 йил. 354-387 бетлар.
2. Адабиёт назарияси дастури. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Т., 1999 йил.
3. Коллектив «Адабиёт назарияси». 2-томлик. Т., Фан. 1978-1979 йил.
4. Коллектив «Адабий турлар ва жанрлар». 2-том. Т., Фан. 1991-1992 йил.

7 мавзу. Ҳозирги ижодий жараён.

Режа:

1. Бугунги кун шеъриятига бир назар.
2. Замоनावий ўзбек насри тараққиёти.
3. Ҳозирги ўзбек драматургияси ва адабий танқиди.
4. Ижодий ният ва унинг ижроси.

Маъруза матн бўйича таянч сўз ва иборалар.

Ижод–ҳаёт ҳақидаги маълумотни санъат қойдаларига бўйсиндириш жараёни. Асар тили устида ишлаш–халқчиллик билан боғлиқлиги. Шарқ адабиётида адабий таъсир «Назира» ҳодисаси. Нормативлик ва «догматизм» тушунчаси.

Бугунги кун шеъриятига бир назар.

80-йиллар ўрталаридан шўролар давлатида кескин сиёсий ўзгаришлар юзага келди. Тарихга «қайта қуриш» номи билан киражак бу жараён дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан мамлакатни етмиш йил давомида идора қилган большевиклар тузумини емирди, қизил империя қўлоғидаги юзлаб миллат ва элатлар олдида ўз тақдирини ўзи белгилаш имконияти туғилди. Мумтоз адабий мерос, айниқса шўро даври адабиётига янгича қараш, аввалги баҳоларни қайта кўриб чиқиш, илгари номини тилга олиш ҳам хавфли саналган ижодкорлар ва уларнинг асарлари хусусида адолатли фикрлаш мумкин бўлиб қолди. Хусусан, ўзбек адабиёти тарихида маълум ва машҳур ижодкорлардан ташқари улар билан ҳамнафас яшаб ижод этган, шунчаки адабий машқлар эмас, мумтоз санъат намуналарини яратган Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайний), Бурҳониддин Рабғузий, Абулғози Баҳодирхон, Сўфи Оллоёр, Амирий, Феруз, Авлоний, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ва яна ўнлаб ижодкорлар мероси қайта нашр этилди, илмий-эстетик таҳлилга тортилди.

Ҳаётдаги бу ижобий янгиланишлар замоनावий адабиётга ҳақиқатни чўчимай ёзишга, ижод эркинлигига ташна ва шоирларга ҳам зарур имкониятлар туғдирди. +исқа давр ичида адабиётнинг барча тур ва жанрларида ҳаётни рўйи-рост, бор мураккаблиги билан тасвирлаган, ижтимоий-маънавий адолат-сизлик, хўрлик ва қуллик шароитида мажруҳлантирилган инсон руҳиятини илгари кўрилмаган нуқтаи назардан таҳлил этган ўнлаб яхши асарлар дунёга келди. Миллий онг шаклланиши, маънавий ўз-ўзини таниш, эркин руҳни тарбиялаш ишига сафарбар этилган адабиёт ўзининг энг истеъдодли вакиллари қиёфасида иқтисодий, сиёсий

ҳаётнинг барча муаммоларига фаол аралашди, ўзининг салмоқли фикрини жамият қатламларига сингдира олди.

Бугунги кун шеърятига бир назар.

Ҳозирги шеърятимизнинг етакчи тамойилларини белгилаб бераётган А.Орипов, Э.Воҳидов каби шоирларнинг кейинги йилларида яратган шеърлари ҳам «Фауст» муаллифининг бу фикрини тўла тасдиқлайди. Бугунги шеър ҳаёт қадар ранг-баранг ва мураккаб, анъанавий ва кутилмагандир. Унда юз йиллардан сўнг қайта мустақилликка эришган, бироқ эркнинг таъмини унутиб юборган халққа аждодлар руҳидан мадад илтижоси қизил империянинг жон талвасаси қурбони бўлган шахидлар тимсолидаги ибрат ва бедорликка чакирув, «тўрдагилар ҳокиму мутлақ, пастдагилар юмуққўз» замонада сарсон кезаётган девона ҳақгуй руҳидаги қайсарлик манзаралари бўртиб кўзга ташланади. Нисбатан ижодий эркинлик шароитида диний мазуда, имон ва эътиқод масалаларида ҳам бадиий мушоҳада юритиш имкони туғилди. Хусусан, А.Ориповнинг «Ҳикмат садолари», «Ҳаж дафтари» туркумларига кирган шеърларида шоир ва унинг қиёфасига жамланган омманинг Аллоҳга тавбаси, шукрона ва ибодати ўз аксини топди. Юзаки қараганда, ижодий чеклангандек туюлган бу мавзулар доирасида ҳам шоир замонавий муҳим ижтимоий фикр ва унинг янгича ифода усулини топа билди.

Миллат дардларига шериклик, омма ҳали англамаган муаммолар ўйидаги қийноқ шоирлар ижодида фарзандлик туйғусини, жўмардлик ҳиссини очиқ юзага чиқарди. Бу жиҳатдан Мирзо Кенжабекнинг «Хайрлашув», «+урилтой нотикларига», «Ҳақиқат» сингари шеърлари намуналидир.

Гарчи уларнинг ҳаммасини ҳам юксак эстетик талабларга тўла жавоб берадиган асарлар деб бўлмасада, бироқ шеърларда акс этган шоир самимиятига, юрти ва юртдоши учун қайғураётган қалб исёнига бефарқ қараб бўлмайди.

Шеърларда тобора кўпроқ аксини топаётган яна бир жиҳат—бу шоирнинг имтиҳонга тортиши, у билан юзма-юз туриб "«орани очиқ қилиб олиш"» га интилишидир. Шеърят, ниҳоят, етмиш йиллар давом этган "вазифадошлик" юкидан, сиёсий ва ижтимоий шарҳловчилик вазифасидан аста-секин қутилиб, асл қиёфасига, соф моҳиятига, янги човачилик мажмуи ишга туширилганда, кинофестивалга келган меҳмонларни кўрганда ҳам, шукурки, шаклланиб қолди. Уларни энди сурат эмас, сийрат, қалб манзаралари кўпроқ ўзига жалб қиляпти, истъдод кучи «ўтин ёришга» (А.+аҳҳор) сарф этилаётгани йўқ.

Ўзбек шеърятини ҳозирги кунда услуби ранг-баранг, мазмуний-шаклий изланишлардан чўчимайдиган, аксинча, мана шу ижодий тажрибаларнинг ўзини санъат табиати деб биладиган шоирларга эга. Агар улар ижодини анъанавий шеър йўллари чегарасида ёзаётган шоирларга қиёсан олсак, Ҳозир шеърят камида икки оқимга ажралганини кузатиш мумкин. Бу икки йўналишни шартли равишда Омма шеърятини ва Шахс шеърятини деб номласак, балки тўғри бўлар. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, бу ажратиш асосида асло ташқи белгилар устивор роль ўйнамайди. Шаклдаги ўзгачалик, шеърини

санъатлардан фойдаланиш даражасининг ўзи у ёки бу шоирни омма ёхуд шахс шеърияти вакилига айлантириб қўймайди. Ҳамма гап шеърда акс этаётган ижодкорларнинг тафаккур ва ҳис-туйғулари кўлами, унинг шеър деганда нимани англаши, шеърдан нимани кутиши, қай кайфиятни шеърда, қай фикрни мақолада ифодалаш каби принципиал масалалардадир.

Шеъриятдаги бу икки оқимни яққолроқ тасаввур этиш учун замондошимиз бўлган икки шоир ижодига бир назар ташлайлик.

Муҳаммад Юсуфнинг ўнлаб шеърлари миллионлаб одамларнинг қалбидан жой олган. Унинг ёзган нарсаларини сиёҳи қуримай бастакорлар куйга солишган вақтлар бўлган бу шеър ва кўшиқларни тинглаб юрагидаги турфа армонларни, чигалларни ёзгандек бўлади. Айниқса, шоирнинг «Кокилингни ким кесди», «Кумуш», «Алдов», «Туркман кизи», «Юр Муҳаммад, кетдик бу ердан» каби турли мавзулардаги тизмалари ўзининг содда ва равон ифода усули, халқоналиги, тез тушинувга ўнғайлиги билан осон оммалашди. Хусусан, М.Юсуф «Мен ўз билганимдан қолмадим» шеърида ва шоирликни шундай англайди.

Ўртамиёначилик касали ижодий жараённинг доимий ҳамроҳи бўлиб келган. Афсуски, ошкоралик туфайли бу касаллик кучайса–кучайдики, пасайгани йўқ. Бу йилларда жиддий мақолалар учун мавзу бўла оладиган муаммоларнинг барчаси «шеърий мақолалар» (чунки уларни шеър, санъат деб бўлмайдими!) учун ҳам мавзу бўлди. Умрида Оролни, унинг қуриган қирғоқларида азобланаётган халқни кўрмаган ҳар бир ўртамиёна шоир денгиз дардида «ёнди», пахта яккаҳоқимлиги даладан шундоққина шеъриятга кўчиб ўта қолди, давлат тили ҳақида кеча муҳокамада айтилган гап бугун «шеър» бўлиб яна қайта янграйверди. Энди мақолаларга шеърдан мумтоз сатрлар эмас, аксинча. Шеърга долзарб мақолалардан ўткир гаплар эпиграф қилиб олинадиган бўлиб қолди. Ижодда самимийлик, табиийлик ўрнини муаммобозлик, гапбозлик, ғоябозлик каби қусурлар қайта эгаллаши кучайди. Бироқ, бу ходисаларнинг асл шеъриятга, албатта, алоқаси кам. Ҳозирги кунда ўзбек шеъриятининг эртанги кунига жиддий умид-ла қарашга барча асосларимиз бор. Фикрдаги оммавийликдан, ягона мафкура қуллигидан озод, санъатнинг асл кадриятларини секин-аста таниб бораётган энг кенжа авлод шоирларининг ранг-баранг ижодий ваъдалари бунга далилдир.

80-90 йиллар оралиғида А.Ориповнинг «Ранжком», О.Матжоннинг «+уш йўли», «Нега мен?», У.Азимнинг «Оқпадар», М.Юсуфнинг «+ора куёш», И.Отамуродовнинг «Узоқлашаётган оғрик», М.Муродованинг «Чақмоқ изидан», Э.Шукурнинг «Ибтидо хатоси» каби ўнлаб дostonлари чоп этилди. Бу асарларнинг ҳар қайсиси турли мавзуларни камраб олган бўлиб, уларнинг бадий савияси ҳам турличадир. Ўзбек дostonчилигида жиддий ходиса бўлган яна бир асар ҳам худди шу йиллари яратилдики, унга қисқача бўлса-да тўхталиб ўтиш жоиз. Бу - Абдували +утбиддиннинг «Изоҳсиз луғат» номли дostonидир. Янги шеърият хусусида юқорида билдирган фикрларимиз мана шу дoston тимсолида, айниқса тўлароқ исботини топади. Бу асар анъанавий

достончилик намуналаридан ҳамма жиҳати билан фарқланади. Аввало, унда зоҳирий воқеалар тизими сюжет чизигини ташкил қилмай, балки асарда бениҳоя кенг шоир тафаккури ва ҳистуйғулар алмашинувидан пайдо бўладиган руҳоний яхлитлик кузатилади. Муқаддимада лирик қаҳрамонга-Бобо (уни пайғамбарсифат зот ёхуд улуғ аждодлар тимсоли сифатида қабул қилиш мумкин) томонидан айтилган, ҳозирча унга сирли туюлган кароматлар достон қисмларида изоҳлана бошлайди. Сиз бора-бора «оёққа тушган қон қорайиши» га, «одамэтга ўралгани, эт бўлса косасида биқирлаётган кўпик, кўпик–заҳар» эканига, ниҳоят «тилни ипдек эшиб бўлиш» ига, кейин «жонни худди тасбеҳ доналаридай охириги кунгача узмасдан санаш» мумкинлигига имон келтирасиз.

Афсуски, дунё ва инсон тўғрисидаги эпик тафаккур ва оригинал тасаввурнинг лирик байни бўлмоғи талаб этиладиган достон жанрида яратилган ҳамма асарлар ҳам бу истаклар даражасига чиқа олмади. Уларнинг аксариятида (ҳатто А.Ориповнинг «Ранжком», М.Юсуфнинг «қорақуёш», У.Азимнинг «Оқпадар» достонларида ҳам!) маълум бир ижтимоий, инсоний иллатлар, узоқ тарих ёхуд қатағон даври воқеалари анча юзаки, бир-биридан фарқ қилмайдиган кўламларда талқин ва таҳлил этилади. Муаллифлар фактдан ўсиб чиқиб кета олишмайди, балки унинг шеърӣ шарҳловчисигина бўлиб қолишади. Адабий асар сифатида тақдим этилган бу достонлар ижодкор шахснинг ижтимоий-эстетик мулоҳаза ва кайфияти асосига эмас, балки ҳаммага маълум хулосалар, юзаки сабоқлар асосига курилади. Натижада, достонларнинг номи ва шаклини айтмаса, ўқувчи мутолаадан янги тасаввур ва фикр, ҳозирга қадар ўзига номаълум ва ёт бўлган оҳорли кайфият ўзлаштирмайди, руҳ ларзага келмайди, асар деярли изсизйўқолади. Бу эса, жанрнинг имкониятларидан ҳозирча тўла ижодий фойдаланилмаётганини кўрсатади.

Замонавий ўзбек насри тараққиёти.

Адабиётдаги сифат ўзгаришлари насрда яққолроқ намоён бўлмоқда. 70-йиллар охиридан ижодга кириб келган бир гуруҳ истеъдодли носирлар ҳозир айна камолот палласига қадам қўйган бўлсалар, турфа услубий-ғоявий тажрибаларни дадил қўллаётган кенжа авлод, айниқса, кичик насрий жанрларда жиддий натижаларга эришди.

Ҳикоячиликда кузатилаётган мазмун ва шакл яққолроқдан қочиш, руҳий таҳлилнинг турли усулларига мурожаат қилиш бу жанр имкониятларига қайта умид туғдирмоқда. Ўнлаб ўқимишли ҳикоялар орасида Асқад Мухторнинг «Чодирхаёл», Ш.Холмирзаевнинг «Кўк денгиз», «+адимда бўлган экан», Х.Султоновнинг «Ғуломгардиш», Э.Аъзамовнинг «Боғболалик Кўкалдош», Х.Дўстмуҳаммаднинг «Жажман», Н.Отохоновнинг «Оқ бино оқшомлари», О.Отохоновнинг «Учинчи қаватдаги сариқ дераза», Н.Эшонқуловнинг «Маймун етаклаган одам», Ш.Ҳамроевнинг «Суратдаги аёл» сингари асарларини эслаш кифоя. Уларда миллий онгсизлик фожиясинидан тортиб ишқ мажнунаси қисматиғача, аждоддан авлодга ўтиб

келаётган ғулом (кул) лик руҳияти таҳлилидан тортиб, ўз-ўзини сарсон излаётган шахс руҳиятигача қаламга олинган. Оврўпа ва Лотин Америкасининг энг илғор адабий тажрибаларидан ижодий ўрганишда ўсаётган ҳикоячилигимизда объектив тасвир ва таҳлилга қурилган анъанавий йўллар билан биргаликда кўпроқ рамзий тимсол ва ишоралар, руҳий баён йўллари билан фойдаланишни кузата бошладик. Агар А.Мухтор ўзининг «Чодирхаёл» ҳикоясида миллий ва маънавий манкуртлик ҳолатини тупроқ ва кум остида қолиб кетган ўрадаги одамлар руҳияти орқали ёритишга уринса, Х.Дўстмуҳаммад эркисизлик ва иқтисодий-маънавий талов тарихини бозорда пайдо бўлган еб-ташиб тўймас номаълум махлуқ - Жажманга оломоннинг муносабати шаклида қайта яратди. О.Отахонов ҳикоясида тасвирни, учинчи қаватдаги сарғиш деразага тикилганча ўйга толган йигит қийноқларини дабдурустдан англаш осон кечмайди ўқувчига. Фақат зийрак мушоҳадагина гоҳ ёруғ, гоҳида хира нур сочаётган, бу орқали ўзида мужассам мураккабликни англашга бўй бермаётган бу сирли дераза ўша йигит қалбининг асл тимсоли эканини тушунишга ёрдам беради. Балки ўзбек ўқувчисининг ҳозирги савиясини ҳисобга олиб танланган ҳикоя эпиграфи-Рембонинг «У сарсон изларди ўзини ўзи» деган мисраси мушоҳадали ўқувчига ортиқчалик қилар. Чунки, шу бир мисра ҳикоянинг эстетик қувватини, сирини аввалдан ошкор қилиб қўйгандек бўлади.

Назар Эшонқуловнинг «Хароба шаҳар суврати», «+уюн», «Тобут», «Маймун етаклаган одам» сингари ҳикояларида ҳам фикрлар ифодаси учун танланган рамзий тимсол ва тасвирлар ўзининг табиий ва мантиқийлиги билан ўқувчида шубҳа уйғотмайди, уларда илгари сурилган ижтимоий фикрлар ҳар қанча оммавий бўлмасин, муайян инсон тақдири ва руҳиятига чамбарчас боғлиқ ҳолда янги янграйди. Бироқ «Истило» номли ҳикоядаги Туркистон босқини тарихининг турли жараёнларига механик равишда тимсол ахтариш, асарнинг мақсади, бор-йўғи кўпчиликка маълум яқин ўтмишни бошқачароқ - бадийроқ шаклда қайта эшлаш экани, муаллиф ўз-ўзини такрор каби, ижтимоий-сиёсий хабардорликнинг ўзиданоқ ҳикоя ясай беради. Кўринадикки, бу ҳикоянинг ўрнини яхши бир тарихий-публицистик мақола билан бемалол алмаштирса бўлади. Ҳолбуки, ҳақиқий санъат ўрнини ҳеч нарса боса олмаслиги керак, аслида санъатнинг ўзи инсон тафаккурининг бошқа шакллари ета олмаган, ҳеч қачолн ета олмайдиган кенглик ва юксакликларида яралади, яратилади.

80-йилларда яратилган қиссаларнинг бош қаҳрамонлари аксарият жамиятнинг қуйи қатламларидан, унитилган, умум диққатидан панароқда яшайдиган, ўйлайдиган кишилардан танланди. Бироқ бу одамлар қалбида яшаётган туйғулар, жўш ураётган тўфонлар тасвир ва таҳлили шуни яна бир бор исботладикки, бош қаҳрамон танловида асосий мезон унинг ижтимоий ўрни билан эмас, балки ижодкор ниятини тўлароқ ва ишонарлироқ етказишга яроқли характер бўлмоғи билан белгиланиши лозим. Бу қиссалар қаҳрамонларига қўйилган исмлар билан ҳам гўё муаллифлар уларнинг

тақдирига ишора қилаётгандек туюлади— Элчиев (Э.Аъзамов. «Жавоб»), Эломонов (М. Дўст. «Истеъфо»), Зиёдулла Кал, +оплонбек, Оймомо (Т. Мурод. «От кишнаган окшом», «Ойдинда Юрган Одамлар»), Ғулом (Х. Султонов. «Кўнгил озодадир») вабошқалар. Уларнинг аксарияти у ёхуд бу шаклда жамиятдан хўрлик, адолатсизлик кўрадилар, аксарияти бу ҳолатга қарши ожизгина бош кўтариб мағлуб бўладилар. Агар ҳалол чавандоз Зиёдулла куппа-кундуз кунда, ҳамманинг кўз олдида рўй бераётган зўравонликка чидай олмай, бир инсон боласига ёрдам бергани учун ўғли тенги йигитлар томонидан тепкиланиб, одам боласидан эмас, тилсиз, бироқ қалбли ҳайвон - севимли отидан надот сўраса ва топса, «Жавоб»нинг қаҳрамони Элчиевнинг, ҳокисори ва атрофдагиларга фақат яхшилик тилаган кимсанинг, нафақат мажруҳ қилинган жисмини, балки шаъни ва имонини ҳам пул ва молга чақишга уриниб кўрадилар.

Тилга олинган қиссаларда воқелик ва инсонга ёндашув анъанавий наср услубида олиб борилса, Х.Дўстмуҳаммаднинг «Оромкурси» асарида янгича йўлни кўрамиз. Асар қаҳрамони, сирли ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан «келажаги порлоқлар» рўйхатига киритилган, агар қўйилган талабларга сўзсиз бўйсунса, давлат бошқарув поғоналари бўйлаб жуда тез ўсуви режалаштирилган аспирант йигит Кўклам Тонготаров (бу исмдаги рамзийликка ҳам эътибор беринг!) аввалига маҳлиё бўлиб, ора-сира бепарво, охир-оқибат қайсарлик билан оромкурси-кресло-ла олишади. +иссада оромкурси рамзи фақат амал-эътибор тимсоли бўлибгина қолмай, балки наслга аралаша бошлаган инсон эркисизлиги, маънавий-руҳий қуллиги, қиёфасизлигининг яхлит тимсоли этиб гавдалантирилади. Сирли парадокс (тескарилик)—шаклий ҳокимият, кўриниб-сезилиб тургучи кучга эришмоқ учун руҳий ҳокимиятни, ботиний кудратни, шаън ва шавкатни сўндирмоқ ёхуд ўзгартириб—синдирмоқ талаб этилади. +иссада бу масала жуда кескин қўйилади (ё бўйсуниб яшаш ёки бўйин эгмай ўлиш). Учинчи—ўртача йўл йўк! Ва қисса қаҳрамони, умрбод ўзи бўйсуниб ўзгаларни бўйсундириб ўтган отасидан фарқ қилароқ иккинчи йўлни танлайди. У бу ҳаракати—ўз-ўзини қурбон қилиши билан аждоддан авлодга ўтиб келаётган, ирсиятга қадар сингиб улгурган ички қуллик занжирининг ўзи билан уланувчи бир ҳалқасини узатди—ўзини эмас, ҳали туғилмаган, бироқ туғилса барибир қул бўлажак фарзандини ўйлайди. Туғилажак фарзандлар қулларидан бунёд бўлмаслигини истайди.

Кейинги ўн йиллик романларга ниҳоятда бой бўлди. Уларнинг аксарияти турғунлик ҳаётни, ўша йилларда одамларни қийнаган иқтисодий-маънавий муаммоларни акс эттирди. Бу асарларнинг қаҳрамонлари ҳам бир-бирига жуда ўхшаш тақдир эгаларидир. Ҳам салбий, ҳам ижобий персонажларга ёндашишда ёзувчиларнинг аксарияти бир хил қадриятларни мезон қилиб олдилар, жамияттурмуш тарзига, маънавий ва иқтисодий адолатсизликларга муаллифларнинг муносабати ҳам бир-биридан катта фрак қилмади. Хусусан, О.Ёқубовнинг «Оққушлар, оппоққушлар», С.Аҳмаднинг «Жимжитлик»,

Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Н.+обулнинг «Унитилган соҳиллар» ва бошқа ўнлаб романларнинг ғоявий-бадий савиясида кўплаб муштаракликлар сезилади. Тўғри, бу асарларнинг барчасида ҳам эзилган, талон-тарож қилинган халққа чин дилдан ачиниш, уни эзган ва талаган тубан кимсаларга (уларнинг кўпчилиги турғунлиг даврида энг юқори мансабда бўлган шахслар!) чексиз нафрат руҳи яққол сезилиб туради. Асарларда илгари айтилмаган фикрлар ва ҳақиқатлар айтилиб, илгари тасвирлаш мумкин бўлмаган турмуш пучмоқларига ёруғлик туширилади. Бироқ, романдек эпик жанрнинг муваффақият қозонмоғи учун ҳали бу жиҳатларнинг ўзигина етарли эмаслигини ҳам мутолаа пайтида сезмаслик мумкин эмас. Жанрлар тўғрисидаги авалги билимлардан Сизга маълумки, роман шаклланмоғи учун муаллифдан дунё ва инсон тўғрисида ниҳоятда кенг ва чуқур, албатта янги тафаккур талаб этилади. (Роман терминининг маъноси ҳам «янги» деганидир!) Роман салмоғини унда акс эттирилган персонажлар сони ёхуд воқеалар ҳажми эмас, балки уларнинг нечоғли мукамал таҳлил ва талқин этилгани белгилайди. Романий тафаккур етакчилик қилмаса, ҳар қандай катта асар воқеа-ҳодисаларнинг ақлга ва мантиққа мослаштирилган йиғиндисидан бошқа нарса бўлмайди. Айниқса, Оврўпа ва Лотин Америкаси романчилиги эришган муваффақиятларга нисбатан олганда, ҳозирги замон ўзбек романининг шаклан ибтидоийлиги, фалсафий-эстетик жиҳатдан эса анча жўн ва саёзлиги яққолроқ сезилиб қолаётир.

80-йиллар романчилигимизнинг энг жиддий ютуқлари, шубҳасиз, Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» ва Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» асарларидир. Уларда яқин ўтмиш кунлари мисолида ҳаёт ва инсон шамойиллари сири устида чуқур ўйга толинган, фақат шу даврдагина эмас, тарих ва келажакнинг ҳамма таҳламларида учраши муқаррар бўлган инсон типлари изчил ва батафсил кузатилган. Буни «Лолазор» романи мисолида курайлик.

Одамзод тирикчилиги яқрангликдан йироқ - унда фақат трагедия ёхуд нукул комедия ўйналмайди, аксарият иккиси аралаш-уйқаш келади. Мана миллион йиллардирки, кўйиладиган инсон томошаси кўпроқ траги-комедиядир. Саҳнадаги марказий роллар кимларнинг пешонасига битади ва ўйин муддати қанча-ёлғиз кўғирчоқбоз тақдирга, унинг истак ва кайфиятига боғлиқ... Ахир шундай бўлмаса, «оламни булдуруққа бостириш» ни хомхаёл қилиб юрган саводсиз Хотам Шўронинг ҳовлиқиб-ҳазиллашиб ташлаган қуръаси «иккита битлиқи» нинггина эмас, бутун бошли бир миллат ва мамлакатнинг ярим асрлик тақдирини ҳал қилиб юборармиди?!

+ачонлардир Булдуруқдан, ўзлари хоҳламаса-да, «ёрқин келажак сари» зўрлаб йўлга солиб юборилган «икки битлиқи»—Яхшибой чўпоннинг уғли Назар билан Калонқул бўёқчининг ўғли Хоруннинг умр йўли роман сюжетининг асосини ташкил этади. Муаллиф тасвир ва талқин полифониясини (кўповозлилик) таъмин этмоқ ниятида баённинг турли усул ва услубларидан фойдаланади. Воқелик табиатига қараб биз уни гоҳ Яхшибоев

ўйлари тарзида, гоҳ ҳалол ёзувчи Саидкул Мардон кундаликлари шаклида ўқиймиз. Худди ҳаёт ва сиёсат саҳнасидаги ўйинларнинг ўзи сингари уларнинг талқинида ҳам ўта жиддий, ҳатто публицистик оҳангдан тортиб кесатик-пичинг, истехзо оҳангигача бетўхтов алмашинувлар бўлиб турдаи. Агар адабиётда энг машаққатли вазифа характер яратиш бўлса, М.Муҳаммад. Дўст бу юмушни ўз асарида муваффақиятли уддалай олган. Романда Ошно, Муҳсина хоним, +урбоной, Аввалбек сингари қатор инсон характерлари кашф этилган. Уларга ўхшаш типлар ўзбек адабиёти тажрибасида, очиёи, ҳали учрамаган эди. Ошнода юз берадиган қиёфа эволюцияси, Муҳсина хонимдаги турмушда ҳам худди саҳнадагидек қиёмига етган ижрочилик маҳорати, «мен бир оддий ўзбек қизи» деб бошланувчи оммавий хўрликни тўтидай такрорлашга ўргатилган +урбонойнинг аввал пистафурушликдан мамлакатга донғи кетган машғалга айлантирилишию, сўриб шираси тамом қилинганч бевақт, жимгина (бирок ниҳоятда фожиали тарзда!) ҳаёт шамининг сўндирилиши, дурагай руҳ ва кайфият кишиси бўлган Аввалбек характерларининг тақдим этилиши ўзбек ўқувчилари учун катта янгиликлардир.

Шубҳасиз, «Лолазор» нинг энг улкан ютуғи бу - Назар Яхшибоев образи. +аршисида «искандару Доролар чангаллаб қоладиган» ақл эгаси, ҳар қандай вазият ва ҳолатнинг пири, юзадаги обрў ва бахтиёрлик тубида чексиз анланган армон ва уят, юзадаги намунали оила ва машҳур адиблик остида умрбод туйғу–руҳ кемтиклиги ва хижолатпазлик кўтариб юрувчи бу одам характери бирор қолипга бўйсунмайди. У ўзини яратган шароит ва шахслардан ҳам, ўзи яратган муҳит ва кимсалардан ҳам, энг шафқатсиз – ўзидан ҳам ич-ичидан жирканади. Ўзининг фаол иштирокида созланган бу муҳитни гоҳ бўралиб сўкади, гоҳ ҳамманинг устидан мағрур кулади, гоҳ кулиб туриб йиғлайди, гоҳида бўлса шу жирканч турмуш ва қиёфалардан фарқли ўлароқ, у бир вақтнинг ўзида ҳам саҳнада роль ўйнайди, ҳам кўплаб ролларга режисёрлик қилади, ҳам парда ортидан бутун ҳаракатларни кузатади ва буларга қўшимча, залда ястаниб ўтириб, абадий такрорланаётган бу ўйинларга баҳони ҳам ўзи беради! У ихтиёрсиз тушиб қолгани гирдобда фарқ бўлиб кетмаслик учун ҳамма нарсани қилади–неча-неча одамларнинг бошига оёғини тираб юқорига талпинади, ҳаракатига ҳалақит бераётган қанча дўстларини жон ҳолатда суриб четга улоқтиради, доим ёнидан жилдирмагани ошно кўғирчоқ Хоруннинг ўзи шишириб яратган обрў-амал пуфагига тирмашиб жон сақлайди...

Ҳозирги ўзбек драматургияси ва адабий танқиди.

Ҳозирги ўзбек саҳнаси драматургиянинг мумтоз намуналарини қайта жонлаштириш билан фаол шуғулланмоқда. Хусусан, Аброр Ҳидояттов номидаги театр Ҳамзанинг «Паранжи сирлари», «Майсаранинг иши», Фридрих Дюрренматт (Швейцария ёзувчиси)нинг «Эшак соясидан чиққан ҳангома», Сатира театри А.+аҳҳорнинг «Тобутдан товуш» спектакллари янги вариантларини саҳнага олиб чиқдилар. Шуни қониқиш билан қайд этиш

керакки, замонамизнинг забардаст режиссёрлари (биринчи навбатда Баҳодир Йўлдошев!) бу асарларни мутлақо янгича «ўқиганлар», матннинг яширин жозиба ва кучини қайта кашф эта олганлар.

Жамиятдаги кескин ўзгаришлар, равшанки, сахнага ҳам ўз нафаси ва қаҳрамонларини олиб киради. Ўтган даврлар иллатларини фош қилувчи пафосда ёзилган Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Пуч», Шукруллонинг «Унсиз фарёд», Ҳамид Гуломнинг «Бир миллион фожиаси», Ҳайдар Муҳаммаднинг «Хотинлар «гапи» дан чиққан ҳангома» каби драма ва комедиялари нафақат мавзу ва муаммо муштараклигига, балки бадиий савия (у эса анчагина паст) муштараклигига ҳам эга.

Тарихий мавзуда ҳам қатор янги асарлар ёзилди. Туроб Тўланинг «Нодирабегим», Салоҳиддин Сирожиддиновнинг «Тўмарис», Шукур Холмирзаевнинг «+ора камар», Шухрат Ризаевнинг Навоийнинг «Садди Искандарий» достони асосида яратган «Искандар» пьесалари шулар жумласидандир.

Маълумки, шу пайтга қадар ҳазрат Навоийнинг қатор дostonларининг сахна вариантлари, шоирнинг ҳаёти акс этган ўнлаб адабий асарлар яратилган эди. Аброр Ҳидоятлов номидаги театр сахнасида ўйналган «Искандар» спектаклининг ўзига хос томони шундаки, унда муаллиф ва режиссёр матнга анча эркин, ижодий ёндашдилар, тарихий ҳақиқат ва адабий мантиққа риоя қилганлари ҳолда Искандар шахси ва унинг фожиаси орқали умуминсоний муаммоларни, абадий ҳал бўлмас руҳий жумбоқларни ўртага ташлайдилар. Ҳар қанча ўринмасин, охир-оқибат нафс домига йўлиққан шоҳ Искандар билан сахнада ёнма-ён туриб мутафаккир Навоий ҳам изтироб чекади, Шоҳ ва салтанат, шоҳ ва улус, шоҳ ва шахс, шоҳ ва нафс муаммолари яхлит ҳолда, кенг планда биринчи марта махсус мавзу этиб танлангани ва бу адабий мавзуларнинг янгича тарзда ёритилгани «Искандар» спектаклининг қимматини оширган.

Жамият ҳаётининг покланишида ошкора танқид қанчалик муҳим рол ўйнаса, сўз санъати ривожига адабий танқиднинг аҳамияти шунчалик сезилади. +олаверса, 80-90 йиллар адабий танқиди соф адабиётшунослик доирасидан чиқиб жиддий тарихшунослик, жамиятшунослик фанига ҳам айланди, омманинг ижтимоий-сиёсий дунёқарашининг ўсишида муҳим омил бўлди. Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, А.+аҳҳор, У.Носир каби ўнлаб ижодкорларнинг тақдири ва асарлари ўрганилган жиддий тадқиқотлар айна шу йилларда ёзилди ва ёзилмоқда.

Адабиётнинг ўзи сингари унинг таҳлил ва талқинида ҳам, ниҳоят, ақидавий ғоябозликдан, яқка фикрликдан, юзаки ва сунъий эстетик қарашлардан фориғ бўлиш жараёни кечмоқда. Шубҳасиз, анча илгарилаб кетган жаҳон, Биринчи навбатда, Оврўпа эстетикасининг энг буюк намуналари—З.Фрейд, Ф.Ницше, Э.Фромм, А.Шопенгауэр фалсафий қарашлари, А.Камью, М.Пруст, У.Фолкнер, С.Мюэмм адабий асарларидаги бениҳоя чуқур ижтимоий-руҳий таҳлил имкониятларидан ижодий ўрганиш

бадий тафаккуримизнинг тор қолиплар куршовидан чиқишида асосий омиллардан бўлмоқда.

Сўнгги йилларда ёзувчи публицистиканинг кескин кучайиши, сифат жиҳатидан ўсиш жараёни бормоқда. Жамият турмушининг барча катта муаммоларини биринчи бўлиб ёзувчи-шоирлар қаламга оладилар, халқ ва ҳукуматлар диққатини уларга фаол жалб этадилар. Одил Ёқубов ва Дадахон Нурийнинг ўнлаб ўткир мақолалари, Ш.Раҳмоннинг «Маҳфия», К.Баҳриевнинг «Ой бориб омон қайтмаган болам», Ў.Ҳошимов, А.Иброҳимов, Т.+аҳҳор, Х.Даврон, М.Али каби ижодкорларнинг миллий тил, тарих, маданият, Орол фожиаси, болалар ва аёллар ўлими сингари мавзуларда ёзган мақолалари, аслида, бугунги кунда қўлга киритилган муборак истиқлолнинг яқинлашувига маънавий замин ҳозирлаган эди.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар.

1. Бугунги ўзбек ва жаҳон адабиётида қандай янги асарлар яратилди ва уларда қандай муаммолар кўтарилиб чиқмоқда?
2. «Модеренизм» - қандай адабий оқим ва унинг ўзбек адабиётидаги кўринишлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Жаҳон адабиётидан ўзбек адабиётига қилинган таржималар ва ундаги муаммолар.
4. Бугунги ўзбек публицистиканинг аҳволи қандай?

Мавзу юзасидан берилган айрим сўзлар учун изоҳли лугат.

Публицистика – лотинча «ижтимоий» демакдир.

Модеренизм – французча «замонавий» маъносини билдиради.

Классик – лотинча «биринчи даражали» маъносини билдиради.

Эпистолар адабиёти – грекча «нома», «мактуб» сўзидан олинган бўлиб, олим, ёзувчиларнинг хатлар тўплами.

АДАБИЁТЛАР:

1. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т. «Ўқитувчи» 1980 йил. 53-71 бетлар.
2. Адабиёт назарияси дастури. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Т., 1999 йил.
3. Коллектив «Адабиёт назарияси». 2-томлик. Т., Фан. 1978-1979 йил.
4. Коллектив «Адабий турлар ва жанрлар». 2-том. Т., Фан. 1991-1992 йил.

5. Й.Солижонов. Ўзбек полифоник романлари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2002 йил, 5-сон, 3-7 бетлар.
6. У.Хамзатов. Ижодкор ва давр. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2002 йил, 4-сон, 3-11 бетлар.

КИРИШ

Адабиёт назарияси фан сифатида.

«Адабиёт» атамасининг кенг ва тор (махсус) маънолари, уларнинг пайдо бўлиш ва истифода этилиш тарихи, адабиётнинг уч ўзига хос хусусияти: бадий асарларнинг маълум иқтидорли шахслар томонидан яратилиши, оммавийлик ва бадийликнинг маълум иқтидорли шахслар томонидан яратилиши, оммавийлик ва бадийликнинг тавсифи. Адабиёт - инсон яратган мўъжиза, халқ онгини шакллантирувчи омил эканлиги, адабиёт назариясини ўрганишнинг маънавий ва амалий аҳамияти.

Адабиётшуносликнинг объекти ва таркибий қисмлари, адабиётшунослик - бадий адабиёт хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фан эканлиги, Асарлар бўйи яратилган адабий - бадий маҳсулот, тарихий - адабий жараён ва ижодкор аҳлининг адабиёт ҳақидаги фикр - хулосалари адабиётшуносликнинг объекти (ўрганиш предмети) эканлиги.

Адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари: адабиёт тарихи, адабий танқид, адабиётшунослик методологияси ва уларнинг вазифалари. Манбаашунослик (библиография) ва матншу-нослик(текстология) адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳалари сифатида.

Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўрта Осиёда адабий - назарий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши йўллари. Ғарбий Европада адабий танқидий тафаккур ривожининг ўзига хослиги.

Адабиётнинг ижтимоий функция (вазифа)си.

1. Адабиёт - ижтимоий онгнинг ўзига хос соҳаси ва ижтимоий тараққиётнинг кудратли омили.

Адабиёт ижтимоий онгнинг ўзига хос соҳаси ва айни пайтда унинг санъатга ҳам мансуб ҳодиса эканлиги. Бадий адабиётнинг кишилик жамиятида тутган ўрни, ўйнаган роли (ижтимоий функцияси) ва бу вазифани у қай тарзда, қайси шаклларда бажариши (адабиётнинг спецификаси) муаммо-лари, адабиётшуносликнинг марказий масалалари эканлиги.

Адабиёт ҳаётнинг инъикоси эканлиги ва бу инъикоснинг шакллан хилма - хиллиги. Ҳаёт адабиётнинг фақат мазмунинимас, унинг шаклларини кўп жиҳатдан тайин этувчи омил эканлиги. Адабиётнинг инъикосчилик хусусияти ҳақидаги олимлар ва ёзувчилар билдирган фикрлар. Бадий адабиёт ҳаётдан таъсирланиш ва турмуш ҳақиқатини чуқур ўрганиш самараси. Адабиёт - ҳаёт устидан чиқарилган ҳукм эканлиги.

Бадий адабиёт нафақат ижтимоий ҳаётнинг оддий инъикоси., балки ўрни билан унга фаол таъсир ўтказувчи омил, ҳаётни қайта қуриш қуролини ҳам касб этиши.

Замонавийлик - адабиётнинг қалби эканлиги. Замонавийликнинг икки қирраси. Ёзувчининг ўзоқ ўтмишга (тарихий роман) ёки келажакка (фантастик роман) мурожаат этиши асарнинг замонавий бўлишига монелик қилмаслиги.

Замонавийлик - замонага мослаш(замонасизлик) эмас, балки жамият тараққиётини тезлатувчи янги ғояларни олға суриш, яъни ўзига хос кашфиётчилик ҳам эканлиги. Замонавийлик ва ёзувчининг ижтимоий - ахлоқий қиёфаси. Замонавийлик ва ижод эркинлиги. Замонавийлик бадиий асарнинг абадийлигини таъминловчи омил эканлиги.

Адабиётнинг инсонпарварлик хусусияти. Халқчиллик ва бадиий асарда унинг зухур бўлиш усуллари. Адабиётнинг миллий ва умуминсоний мазмуни. Адабиёт - ижтимоий тараққияётнинг қудратли омил эканлиги.

Китобхоннинг фақат ақлигагина эмас, ҳисларига ҳам қаттиқ таъсир кўрсатиш , яъни «таъсирдорлик» адабиётнинг ўзига хос асосий хусусияти эканлиги. Инсоншунослик. Образлилик. Бадиий тўқиманинг муҳимлиги. Тасвирнинг типиклиги ва сўзнинг алоҳида роли адабиётнинг ўзига хос етакчи хусусияти бўлган бадиийликнинг асосий унсурлари эканлиги.

Адабиёт вазибаларининг спецификаси, инсон бадиий асарнинг асосий тасвир предмети ва адабиёт-инсоншунослик эканлиги. Жаҳон адабиёти тарихи-инсон тасвири маҳорати-нинг мукаммалаша бориш жараёни сифатида. Инсон кечинмалаари тасвирининг икки муҳим жиҳати, адабиётдаги оммавийлик хусусиятнин икки қирраси.

Адабиёт мазмунининг спецификаси. Мазмуннинг салмоқдорлиги, унинг ҳаққонийлиги, универсаллиги (хаётнинг турли-туман томонларини қамраб олишига қодирлиги (оригиналлиги (янгилиги), таъсирдорлиги адабиёт мазмуни-нинг ўзига хос хусусиятлари сифатида. Уларга хос етакчи белгилар. Адабиёт шаклининг спецификаси. Адабиёт - характерлар яратиш санъати эканлиги. Характер ва эстетик идеал. Характер яратишда тўқиманинн ўрни ва роли. Типиклаштириш ва унинг уч муҳим қирраси. Типикликнинг икки тури. Адабиётда ҳаёт тасвирининг ўзига хослиги. Адабиётнинг эстетик аҳамияти.

Адабий асар - адабиётнинг « вакили» сифатида. Адабий асарни ўрганиш методлари. Аналитик(таҳлил) методнинг афзалликлари. Ёзувчи ижодининг пафоси ва адабий асар. Пафоснинг бадиий асарда намоён бўлиш йўллари. Адабий асарда мавзу ва ғоя. Мавзулар доирасининг адабиёт учун аҳамияти. Йирик асарларда асосий ва ёрдамчи мавзулар. « Ижтимоий ғоя» ва « Бадиий (эстетик) ғоя» нинг фарқи. Бадиий ғоя ва ғоявий мазмун. Ғоявий мазмуннинг ҳаётий мазмун доираси ичида яшаши. Замонавий асар мазмунининг абадияти.

Адабий асарда сюжет ва композиция.

«Сюжет» терминининг луғавий маъноси. Йирик асарларда асосий ва қўшимча сюжет тармоқлари. Конфликт - сюжетнинг ўзаги эканлиги. Конфликтнинг уч тури ва уларнинг етук асарларда намоён бўлиши. Сюжетнинг таркибий қисмлари: экспозиция, тугун, воқеалар ривож, кулминация, ечим - уларнинг асар сюжетидаги ўрни ва вазифаси.

Пролог ва эпилог.

Бадиий асарда портрет ва пейзажнинг роли ва ўрни. Характерлар мантиқи - сюжетнинг асоси эканлиги. Шароит мантиқи ва сюжетнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари. Асослаш(матеровка) нинг сюжетда тасвир ҳаққонийлигини

таъминловчи омил эканлиги. Бадиий деталь ва сюжет. Сюжет ва фабуланинг ўзаро муносабатлари. «Секинлатиш», «+ўққис бурилиш» приёмлари таъсирчан сюжет қуриш воситалари эканлиги.

«Композиция» атамасининг луғавий маъноси. Композиция, даставвал марказни «санъаткорнинг нуқтаи назари марказини тайин этиб олиш» (Л. Толстой) эканлиги. Композицион маҳоратнинг муҳим қирралари ва миёрлари.

Адабий асарда инсон тасвири.

Ёзувчи ижодий нияти ва инсон тасвири. Адабий асарда персонаж, образ, характер, тип. Уларнинг бир -биридан фарқ қилувчи даражалари ва бадиий асардаги ўрни. Асар қаҳрамони -сюжетда етакчи ўрин тутувчи персонаж эканлиги. Ижобий қаҳрамон - ёзувчи эстетик идеалини ташувчи сифатида. Асар қаҳрамонларини «ижобий» ва «салбий» гуруҳларига бўлишнинг шартли ҳодиса эканлиги.

Бадиий асарда тарихий шахслар тасвири. Реал тарихий шахсларнинг ўз даврида тутган мавқеи, жамият ҳаётидаги роли, тарих ҳақиқатига мос равишда ҳаққоний тасвирланиши лозимлиги. Протатип-бадиий образга асос қилиб олинган реал шахс бўлиб асарда протатип билан бадиий образ оралиғида зарурий «масофанинг» юзага келиши. Протатип моҳиятининг даҳлсизлиги.

Адабий асарнинг тили.

Адабий асарнинг тарихий-адабий жараёнда тутган ўрни масаласи. Тилнинг бадиий асар компонентлари (унсурлари) орасидаги алоҳида роли. Жонли тил ва бадиий тил. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ишлатилиш доираси.

Адабий асар тилининг хусусиятлари. Бадиий асар тилининг бири - биридан сезиларли фарқ этувчи икки бўлакдан муаллиф нутқи ва персонажлар нутқидан иборат эканлиги. Муаллиф нутқининг ахборот характерига ва чегараланганлик хусусиятига эга эканлиги. Унинг асардаги роли. Персонажлар нутқининг ўзига хос хусусиятлари ва бадиий асардаги ўрни. Эмоционалик, серкатламлик, образлилик-персонажлар нутқининг муҳим белгилари сифатида. Персонажлар нутқини индивидуаллаштириш. Тарихий асар тилининг ўзига хослиги.

Бундай асарлар тилини ишлашда архаизм, историзмларнинг ўрни ва меъри. Равонлик, соддалик ва аниқлик-тил гўзаллигининг зарурий шартлари эканлиги. «Ўтган кунлар» романи тилида мана шу хислатларнинг ёрқин намоён бўлиши.

Бадиий тил воситалари.

Халқ тилининг бадиий тил хазинаси эканлиги. Контекст ва сўз. Адабий асарда нутқнинг уч шакли: муаллиф нутқи, монолог ва диалогнинг ўрни ва вазифалари, лаконизм. Сиққлик, қисқалик, муболаға тилнинг ҳаётдагидан кўра тозаланган, кўтаринки, ёрқин ҳолатга келтирилиши каби воситаларнинг асар бадиийлигини оширишда муҳим омиллар эканлиги.

Бадий асарда тилнинг лексик бойликлардан фойдаланиш: Асар тилида архаизм, историзм, неологизм, профессионализм ва дидалогизмларнинг ўрни ва меъёри.

Асарда тилнинг фразеологик бирикмалар, иборалар, кўчма маънолар бадий асар тилини безайдиган унсурлар эканлиги.

Тилнинг лексик ва фразеологик имкониятларидан фойдаланиш усуллари: жонлантириш, сифатлаш, ўхшатиш, метафора истиора, метонимия киноя каби усулларнинг ўзига хос вазифалари ва тилни жозибали қилишдаги роли.

Тилнинг интонацион (баён) оҳангининг ўзгариб туришини таъминловчи воситалари: инверсия, ритм кабиларнинг асар тилидаги функцияси.

Адабий асарда мазмун ва шакл бирлиги.

Шакл мазмуннинг яшаш усули эканлиги. Мазмуннинг етакчилик роли. Адабиётда мазмуннинг ўзгариш ва бойиши билан шаклнинг ҳам ўзгариб бориши. Шаклнинг нисбатан мустақиллик ва «консерватив»лик ўзгаришига секин берилиш хусусиятлари. Бунинг адабий тур ва жанрларнинг «яшовчанлиги»да ёрқин намоён бўлиши. Мазмун ва шаклни бир - биридан ажратиш вульгар - социологизм ёки формализм каби иллатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкинлиги.

Бадий мезонлари.

«Таъсирдорлик»-асар бадийлигининг мезони эканлиги. Бадийликнинг энг муҳим аломатлари - образли тафаккур орқали ифода этилган ҳаққонийлик, фикрнинг салмоқдорлиги, ёзувчи самимияти, мазмун билан шаклнинг бир - бирига мослиги, асар тилининг ровонлиги, бадий тасвир воситаларининг ранг - баранглигида намоён бўлиши. Санъат ва адабиётда талант иқтидорнинг роли.

Адабий тил тушунчаси ҳақида маълумот, Адабиётда «табиатдан нусха кўчириш»нинг 3 йўл билан амалга ошиши ҳодисасининг «Поэтика» Аристотелда қайд этилиши. Эпос, лирика ва драма -асоси адабий турлар эканлиги. Адабий асарларни гуруҳларга бўлиш уларнинг мазмуни. Вазифалари ва тасвирий воситалари орасида мавжуд тафовутларга асосланиши. Эпоснинг предмети-воқеа, лириканинг предмети-руҳий ҳолат кечинма, драманинг предмети-ҳаракат эканлиги.

Адабий турлар орасида драманинг алоҳида ўрни. Адабий тур ва жанрларни ўрганишнинг амалий аҳамияти.

ЭПОС. Эпик турнинг уч хусусияти: Тасвирнинг объективлиги, воқеабандлик ва кўламдорлик белгиларнинг мумтоз эпик асарларда намоён бўлиши. +аҳрамонлик эпоси ва «халқ китоблари». Ишқий дostonлар. Ҳозирги замон эпоси. Янги эпоснинг туғилиши, тараққиёти адабиёт ва санъатда реализмнинг чуқурлашиши билан боғлиқ ҳодиса эканлиги.

+адимий эпоснинг асосий жанрлари: латифа, эртак, ҳикоя, қисса ва дostonлар - халқ оғзаки ижодтида эпик турнинг етакчи жанрлари эканлиги. Бу жанрларнинг асосий белгилар ва етук намуналари.

Ҳозирги замон эпоси жанрлари: новелла, ҳикоя, қисса повесть роман, эпопея жанрларининг асосий хусусиятлари ва уларнинг конкрет асарларда намоён бўлиши.

Лирика. Лирик турга мансуб асарларнинг ўзига хос хусусиятлари, субъективлик билан мазмунинг ижтимоий аҳамиятлилиги мазкур турнинг асосий хислатларидан эканлиги. «Лирик қаҳрамон « тушунчаси ва унинг лирик тур асарларидаги мавқеи. Лириканинг мазмуни ва шаклдаги ўзига хослик. Лирикада сюжет ва конфликт.

Лириканинг асосий жанрлари. Ғазал, қасида, маснавий, рубоий жанрларининг асосий хусусиятлари. Мумтоз адабиёт намуналарида бу хусусиятларнинг зуҳр топиши. Лиро-эпик жанрлар: масал, баллада, достон, поэмаларда лирик ҳамда эпик белгиларнинг омухта ҳолда намоён бўлиши. Сўнгги давр ўзбек адабиётида достон, поэма, жанри тараққиётининг ўзига хослиги.

Драма. Драматик турнинг ҳаётий асоси. Драматик асарларнинг сахнадаги» иккинчи ҳаёти». Кўрсатмали усулда ҳаётий тажриба алмаштиришнинг роли. Драма-истеъдодлар мусобақаси майдони эканлиги. Драманинг спецификаси. Драма ва томошабин. Драманинг айрича эмоционал имкониятлари. Драмада шаклнинг ўзига хослиги. «Коллектив « сезим. Драматик асарнинг бош хусусияти сифатида. Драма эпизм ва лиризм. Драмада сюжет ва композиция. Драматик асарларда конфликтнинг алоҳида роли. Драмада характерлар тасвири. Драматик турнинг асосий жанрлари.

Трагедия. Термининг луғавий маъноси. +аҳромонлар тақдирининг ҳаётда кам учрайдиган даражада мураккаблиги ва мушкуллиги, уларнинг ички дунёси билан ташқи, объектив дунё орасидаги номутонасибликнинг ҳалокатли характерга эгаллиги. Трагедия жанрининг асосий хусусият эканлиги. Монолог трагедия жанри учун энг характерли шакл сифатида. Эсхил. Сафокль, Шекспир трагедияларида Абул Файзхон, Мирзо Улуғбек асарларида бу хусусиятларнинг намоён бўлиши.

Драма сўзининг луғавий маъноси. Драма жанрининг ўзига хос хусусиятлари. Драмада ҳаётий материал танлаш ва акс эттириш усуллари. Комедия терминининг маъноси. Комедияда асосий қурол кулгу эканлиги, шунинг учун ҳам асарнинг барча компонентларидан томоша залида кулгу қўзғата билиш талаб этилиши.

Шеърый нутқ-лирик турнинг шакли сифатида. Шеърый нутқнинг бош хусусияти. Шеърый асарда мазмуннинг ўзига хослиги. Шеърый асарда шаклнинг ўзига хослиги. Шеърый асарда ритм, қофия ва банднинг роли ва ўрни.

Ритм зарб - шеърый нутқнинг бош алаомати. Ритмнинг конкрет шеърый асардаги кўриниши ёки шеърый нутқни нутқни ўлчайдиган мезон вазн эканлиги.

Аруз ҳақида маълумот. Терминнинг луғавий маъноси. Аруз ХХ аср бошигача ўзбек ёзма поэзиясида қўлланилган ягона система эканлиги.

Мисралардаги ҳижолаарнинг миқдори ва сифати. қисқа ёки чўзиқликнинг маълум тартибда келиши аруз системасининг асоси эканлиги. Аруз назарияси. Навоий, Бобур, Фитратларнинг аруз назариясига қўшган ҳиссалари. Бармоқ ва аруз системаларининг баъзи ўхшашликлари.

+офия. Сўзнинг луғавий маъноси. +офия- ритмик жиҳатдан уюшган нутқда сўзларнинг оҳангдош бўлиб тизилиб келиши эканлиги. +офиянинг функцияси. +офияланишнинг уч қонунияти. Сўзларнинг қофиядошлик даражалари ва қофия турлари: оч қофия, тўқ, қофия, қўш қофия.

Радиф. Терминининг маъноси. Радифнинг қофиядан фарқи. Ички қофия. Мисраларда қофия тартиби. Эркин қофия. Якка қофия. Монорифма, +офиясиз оқ шеър

Банд мисраларнинг маълум бир ритм асосида жамланиб бир гуруҳни ташкил этиши эканлиги. Банднинг турлари. Иккилик банд(байт). Тўртдан ўн бир мисраликкача бўлган бандларнинг номланиши ва маъноси.

Бадиий тафаккурнинг икки -романтик ва реалистик типи. Ижодий метод тушунчаси. Классицизм. Романтизм реализм-жаҳон адабиетида воқеликни қайта ишлашнинг ўзига хос асосий ижодий методлари эканлиги. Реализм ва романтизмнинг умумжаҳон адабиёти учун универсаллиги. Классицизм-реалистик тафаккур типининг бир кўриниши сифатида. Классицизм-алоҳида ижодий метод эканлиги. Классицистлар асарларига асосан антик сюжетларга мурожаат этиш хослиги. Классицизмда психонализнинг чекланганлиги ва бунинг сабаблари. Уч бирлик қонуни талабларига қатъий амал қилиш классицизм драматургиясининг бош аломати эканлиги. Романтизм ижодий методининг шаклланишида романтик тафаккур типининг роли. Романтизм- мустақил ижодий метод сифатида. Романтизм методининг асосий хусусиятлари.

Реализм. Ижодий методларда ворислик. Реализм-ижодий метод сифатида. Ҳаққонийлик ва бадиий таъсирчанлик-реализм муносабатлари маса-ласи. Социалистик реализм ва унинг чекланганлик хусусиятлари.

Услуб. Унинг ўзига хос жиҳатлари. Шарқ адабиётшунослигида услуб масаласининг ёритилиши. Услублар ранг-баранглиги адабиёт бойлигининг муҳим кўрсаткичи эканлиги.

Ижодий жараёни ўрганишнинг зарурияти. Ижодкор шахснинг уч хусусияти ижтимоий, бурч ҳисси, истеъдод ва меҳнатсеварлик.

Ҳаётий тажриба ва интуиция (сезгирлик, зийраклик, олдиндан илғаб олиш) нинг аҳамияти. Ижодда илҳомнинг ўрни. Ижодий ният ва унинг ижроси.

Ижод-ҳаёт ҳақидаги маълумотни санъат қоидаларига буйсундириш жараёни эканлиги. Асарнинг асосий ғоясини аниқлаш, ҳаётий воқеалар тизмаси сюжетни шакллантириш, асар қаҳрамон-ларини тайин этиб олиш, воқеаларни ҳаётдагидан кўра драматиклаштириб ўткирлаштириб тасвирлаш, воқеалар тасвирида кутилмаган кўққис бурилиш перепетиялар яшаш, оддий

ҳаётий фактга муҳим мазмун ва кучли эмоционал таъсир кучини бахш этиш усуллари - асар устидаги ижод жараёнининг муҳим унсурлари эканлиги.

Асар тили устида ишлаш - ижодий жараённинг муҳим қисми сифатида. Ижодий жараёнда мазмун ва шакл бирлигининг майдонга келиши. Ижодий жараёни ўрганишнинг асосий хулосаси. Ижодий жараённинг бениҳоялиги.

Тарихий - адабий жараён ва унинг омиллари. Анъана традиция, адабий таъсирлар, новаторлик янгилик олиб кириш, конкрет тарихий даврда ҳукмрон мафкура тарихий-адабий жараёни белгиловчи омиллар эканлиги. Ёзувчи шахсининг тарихий - адабий жараёндаги ўрни. Классик тушунчаси. Классиклар ижоди-халқаро адабий таъсир воситаси эканлиги.

Шарқда адабий таъсир масаласи. Назира ҳодисаси.

Тарихий-адабий жараёнда ўқувчининг тутган ўрни. Ўқувчи уфқи масаласи. Оммавий маданият тушунчаси. Оммабоп адабиётнинг тарихий-адабий жараёнда тутган ўрни. Ғоявий-бадиий хилма-хиллик тарихий-адабий жараённинг муҳим қонуни. Тарихий - адабий жараённинг энг муҳим якуни-унинг жамият ҳаётида қолдирган излари эканлиги. Адабиётнинг бирлаштирувчилик кучи.

«Адабиёт назарияси» курсининг асосий мавзулари бўйича иш режаси.

Маъруза (18 соат)
Амалий машғулот (16 соат)

Кириш.
(2 соат)

Адабиёт назарияси фан сифатида.

Адабиётшуносликнинг объекти ва таркибий қисмлари

11. Адабиётнинг ижтимоий функцияси (вазифаси) 2 соат

Адабиёт - ижтимоий онгнинг ўзига хос соҳаси ва ижтимоий тараққиётининг қудратли омили.

Адабиёт ва замонавийлик. Адабиётнинг халқчиллик, миллий ва умуминсоний мазмуни.

Адабиётнинг спецификаси (ўзига хослиги). 2 соат

Адабиёт вазифаларининг спецификаси.
Адабиёт мазмунининг ва шаклининг спецификаси.
Бадиий асарда типиклаштириш

IV. Адабий асар тузилиши. 4 соат

Ёзувчи ижодининг пафоси. Адабий асарда мавзу ва ғоя.
Адабий асарда сюжет ва композиция.
Бадиий асарда инсон тасвири. Персонаж, образ, характер,
тип.
Адабий асар тили. Асарда нутқ турлари. Персонажлар
нутқини индивидуаллаштириш.
Бадиий тил воситалари (лексик, фразеологик, интонацион).
Адабий асарда мазмун ва шакл бирлиги.
Бадиийлик мезонлари.

Адабий турлар ва жанрлар. 4 соат

Эпик ва драматик тур жанрлари.
Лирик тур жанрлари. Ўзбек шеър системалари.

VI. Ижодий метод ва услуб 2 соат

Классицизм, романтизм, реализм методларининг
хусусиятлари ва шаклланиш йўллари, тарихий тақдири.
Санъаткор услуби.

VII. Ижодий жараён. 2 соат

Тарихий - адабий жараён ва унинг асосий омиллари.
Анъанавийлик ва новаторлик.
19. Адабиёт назариясининг нормативлиги ва тарихийлиги.

«Адабиёт назарияси» курси бўйича амалий машғулотлар режаси

(12 соат)

Бадиий асарда сюжет ва композиция 2 соат

Адабий асарда персонаж, образ, характер ва тип	2 соат
Шеърӣ нутқ хусусиятлари. Шеър системалари.	2 соат
Драматик тур ва унинг жанрлари.	2 соат
Романтизм ва реализм методларининг хусусиятлари.	2 соат
Адабий жараёнда анъана ва новаторлик.	2 соат

АДАБИЁТЛАР.

Адабиёт назарияси. Икки жилдлик. – Тошкент: Фан , 1978 1979.

Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. - Тошкент: Фан, 1991, 1992

Бобоев Т. Шеър илми таълими. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

Фитрат. Адабиёт қоидалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995

Чернишевский Н.Г. Танланган адабий-танқидий мақолалар.
–Тошкент: Ўздавнашр, 1956.

Абрамович Г.Л. Введение в литературоведение. – Москва:
Просвещение, 1970.

